

*Судьянинг онгида - адолат, тилида - ҳақиқат,  
дилида - поклик бўлиши шарт.*

*Шавкат МИРЗИЁЕВ*

**1/2018**

ISSN 2181-8991

# ОДИЛ СУДЛОВ

*Ҳуқуқий, илмий-амалий нашр*

**МУАССИС:**

**Ўзбекистон Республикаси  
Олий суди**

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

*Козимджан КАМИЛОВ  
Баходир ДЕХҚАНОВ  
Холмўмин ЁДГОРОВ  
Бахтиёр ИСАКОВ  
Мирзоулугбек АБДУСАЛОМОВ  
Ибрагим АЛИМОВ  
Нематжон АКБАРОВ  
Шахноза АХАТОВА  
Олим ХАЛМИРЗАЕВ  
Омонбой ОҚЮЛОВ  
Музаффаржон МАМАСИДДИҚОВ  
Азиз МИРЗАЕВ*

© Реклама нашри ва тижорий  
йўл билан босилган матнлар.

Таҳририят фикри муаллиф фик-  
ридан ўзгача бўлиши мумкин.

Қўлёзмалар, суратлар тақриз  
қилинмайди ва қайтарилмайди.

Кўчириб босилганда «Одил  
судлов» — «Правосудие» нашри  
кўрсатилиши шарт.

Журнал Ўзбекистон Респуб-  
ликаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузу-  
ридаги Олий аттестация комис-  
сияси Раёсатининг 2013 йил 30  
декабрдаги 201/3-сонли қарори  
билан докторлик диссер-  
тациялари бўйича илмий мақо-  
лалар чоп этиладиган нашрлар  
рўйхатига киритилган.

2017 йил 29 ноябрда Ўзбекистон  
матбуот ва ахборот агентлигида  
0026-рақам билан рўйхатга олинган.  
1996 йилдан чиқа бошлаган.

**БОШ МУҲАРРИР**

*Камол УБАЙДИЛЛОЕВ*

**МАСЪУЛ КОТИБ**

*Муталиф СОДИҚОВ*

*Журнал 2015 йилда «Жами-  
ят ва мен» республика танловида  
«Энг яхши ёритилган ҳуқуқий  
мавзулар» йўналиши бўйича ғолиб  
деб топилган.*

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**

100097, Тошкент шаҳри,  
Чилонзор тумани, Чўпонота  
кўчаси, 6-уй  
Х/р 20210000300101763001  
ХАБ «Трастбанк»  
Тошкент филиали  
МФО 00850, ИНН 201403038

**ТЕЛЕФОН:** 278-96-54, 278-91-96,  
278-25-96, **ФАКС:** 273-96-60

**Email:** *Os\_odilsudlov@mail.ru*

**Email:** *Jurnal@exat.uz*

Босишга 2018 йил 29 январда  
рухсат этилди. Қоғоз бичими  
70X108 1/16, 7,5 босма табоқ. Оф-  
сет усулида чоп этилди. Журнал  
таҳририят компютерида терил-  
ди ва саҳифаланди. Буюртма —  
Нашр адади 6100 нусха.

**ИНДЕКС:**

*якка тартибдаги обуначилар  
учун — 908;  
ташкilotлар учун — 909.*

*Босмахона манзили:  
Ғафур Фулом номидаги  
нашиёт-матбаа ижодий уйи.  
100128, Тошкент шаҳри,  
Лабзак кўчаси, 86-уй*

<b>ДИҚҚАТ, ЭЪЛОН</b> «Одил судлов» — «Правосудие» — бу сизнинг нашрингиз.....	3
<b>ТАБРИКЛАЙМИЗ</b> <b>Б. Мирбобоев.</b> Эзгуликка қаратилган фаолият.....	4
<b>У. Мингбоев.</b> Одил сўзни ёзиб ҳеч қачон чарчаманг!.....	5
<b>К. Камилов.</b> Журнал — адолатни ёритувчи чироқ бўлсин!.....	6
<b>ҚОНУНЧИЛИК ВА РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР</b> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд-тергов фаолияти- да фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайти- риш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.....	7
<b>ОЛИЙ СУД ҚАРОРЛАРИ.....</b>	17
<b>ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ — УСТУВОР ВАЗИФАЛАР</b> <b>К. Камилов.</b> Адолатда соя бўлмайди ёхуд инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун.....	31
<b>ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ 80 ЙИЛЛИГИГА</b> <b>Ф. Отахонов.</b> Ислом Каримов — Конституциямиз асосчиси.....	39
<b>БАНКРОТЛИК ВА САНАЦИЯ МАСАЛАЛАРИ</b> <b>О. Назаров, Ш. Исмоилов.</b> Кредиторлар йиғилишининг ўзига хос жиҳатлари: миллий қонунчилик ва хорижий амалиёт.....	48
<b>ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДА</b> <b>Ф. Исаева.</b> Давлат молиявий назорати тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш масалалари.....	52
<b>НУҚТАИ НАЗАР</b> <b>Р. Хонназаров.</b> Расмий тиббиётми ёки халқ табобати?.....	58
<b>ҲИКМАТЛАР ХАЗИНАСИ</b> Ҳикматлар ва ўғитлар.....	60
<b>АДАБИЁТ — МАЪНАВИЯТ АСОСИ</b> <b>М. Калонхонов, М. Калонхонова.</b> Ақл, салоҳият — ҳимоя во- ситаси.....	61
<b>АХБОРОТ</b> «Адолат — қонун устуворлигида» кўрик-танлови яқунланди.....	62
<b>ТАДБИРКОР ВА ҲУҚУҚ.....</b>	63

**«ОДИЛ СУДЛОВ» —  
«ПРАВОСУДИЕ»  
— БУ СИЗНИНГ НАШРИНГИЗ!**

**ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 21 февралдаги ПФ — 4966-сонли Фармонига биноан «O`zbekiston Respublikasi Oliy xo`jalik sudi Axborotnomasi» — «Вестник Высшего хозяйственного суда Республики Узбекистан» ахборотномаси муассиси — Олий ҳўжалик судининг Олий суд билан бирлаштирилганлигини инобатга олиб, шунингдек таҳририятнинг ўз обуначилари олдидаги шартномавий мажбуриятлари тўлиқ бажарилиши учун журнал 2017 йил 1 июндан бошлаб «Иқтисод ва ҳуқуқ» — «Экономика и право» номи билан қайта рўйхатдан ўтказилиб, ўтган йилнинг охирига қадар чоп этилди.

Судларнинг бирлаштирилганлиги сабабли, 2018 йилдан бошлаб журналнинг ҳажмини кўпайтириш, мавзуларини кенгайтириш вазифаси таҳририят зиммасига юкланди ва журнал «Одил судлов» — «Правосудие» номи билан қайта рўйхатдан ўтказилди.

Ҳурматли обуначилар! Сизга 2018 йил январь ойидан бошлаб «Иқтисод ва ҳуқуқ» — «Экономика и право» журналининг ҳуқуқий вориси ҳисобланган «Одил судлов» — «Правосудие» журнали етказиб берилади. Таҳририят ва обуначилар ўртасида тузилган шартномалар ўз кучида қолади. Журналнинг даврийлиги, манзили, ҳисоб рақами ўзгармайди.

**Таҳририят**

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:  
100097, Тошкент шаҳри,  
Чилонзор, Чўпонота  
кўчаси, 6 - уй  
Х/р 20210000300101763001  
ХАБ «Трастбанк»  
Тошкент филиали

МФО 00850,  
ИНН 201403038  
**ТЕЛЕФОН:** 278-96-54,  
278-91-96, 278-25-96,  
**ФАКС:** 273-96-60  
**E mail:** Os\_odilsudlov@mail.ru  
**E mail:** Jurnal@exat.uz

### ЭЗГУЛИККА ҚАРАТИЛГАН ФАОЛИЯТ



Ҳаммамизга маълумки, мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида жамиятимиз аъзоларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, уларни Конституция ва қонунларимизга нисбатан ҳурмат руҳида тарбиялаш энг долзарб масалалардан биридир.

Суд тизими, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизими ходимларининг касб малакасини ошириш, уларни халқ манфаатлари ва адолат йўлида хизмат қилишдаги масъулиятларини кучайтириш, ўз касбининг ҳақиқий фидойиси қилиб тарбиялаш ҳам ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 13 июнда суд органлари ходимлари билан учрашувдаги «Қонун ва адолат устуворлигини таъминлаш — барча эзгу мақсадларимизга эришишнинг энг муҳим шarti» деб номланган нутқида таъкидлаб айтганидек, биринчи навбатда, суд тизимида фаолият кўрсатаётган барча раҳбар ва масъул ходимларда ўз ишига бўлган муносабатни тубдан ўзгартириш, шахсий масъулиятни кескин ошириш, халқимизнинг суд тизимида бўлган ишончини қатъий мустаҳкамлаш, судни том маънода адолат кўрғонига айлантиришимиз зарур.

Ўйлайманки, ана шу вазифаларни бажариш жараёнида суд тизими ходимларига кўмаклашиш мақсадида ташкил этилаётган янги — «Одил судлов» — «Правосудие» журнаliga ғоят катта вазифа ва масъулият юклатилади. Журнал уларни бажаришни уддалай олишига ишонч билдираман ҳамда унинг келгусидаги эзгуликка қаратилган фаолиятида муваффақиятлар тилайман.

**Б. МИРБОБОЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Конституциявий суди раиси

### ОДИЛ СЎЗНИ ЁЗИБ ҲЕЧ ҚАЧОН ЧАРЧАМАНГ!



Мамлакатимизда ислоҳотларнинг бутунлай янги босқичи бошлангани нафақат фуқароларимиз, балки давлат бошқаруви тизими ва халқимиз турмуш тарзини, янги вазифалар ижросини кузатиб турган хорижий сиёсатшунос, ҳуқуқшунос олимлар ва журналистлар томонидан ҳам ҳақли равишда эътироф этилмоқда. Мазкур босқич ташаббускори муҳтарам Президентимизнинг халқ дардига қулоқ солиш ва муаммолар ечимини топишдаги самарали саъй-ҳаракатлари юксак баҳоланаётганлигининг ҳам шоҳидимиз.

Амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти инсон ҳуқуқ-эркинликлари, қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишнинг энг муҳим кафолати сифатида суд ҳокимиятининг масъулиятини янада ошириш, судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, уни ҳақиқий адолат қўрғонига айлантириш, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишдаги ролини кучайтиришдан иборат.

Олий суднинг янги нашри — «Одил судлов» — «Правосудие» журнали суд-ҳуқуқ тизимида кечаётган ислоҳотлар жараёнини, унинг ижросини таъминлаш масаласида олиб борилаётган чоратадбирлар, «йўл харита»лари, муаммо ва ечимлар муҳокамаси учун муҳташам бир минбар бўлишига ишонаман. Адолат тантанаси ва тарғиботи ниятида бел боғлаган таҳририят жамоасига йўлингиз ҳамиша ёруғ бўлсин, Одил суд ва Одил сўзни ёзиб ҳеч қачон чарчаманг, демоқчиман.

**У. МИНГБОЕВ,**  
Ўзбекистон Судьялари  
Ассоциацияси раиси

**ЖУРНАЛ — АДОЛАТНИ  
ЁРИТУВЧИ ЧИРОҚ БЎЛСИН!**

Бугунги кунда биз мамлакатимизда Президентимиз Ш.Мирзиёев бошчилигида олиб борилаётган улкан ижобий ўзгаришлар жараёнини бошдан кечирмоқдамиз. Бу янги ланишлар инсон ва унинг манфаати, юрт равнақи йўлида амалга оширилмоқда. Буни ҳаммамиз бирдек кўриб, билиб, юракдан ҳис қилиб турибмиз. Натижада фуқароларимизда келажагимиз фаровон бўлишига катта ишонч уйғонди.

Масалан, биргина суд-ҳуқуқ соҳасидаги босқичма-босқич олиб борилаётган ислохотларни олиб кўрайлик. Ягона Олий суднинг ташкил этилгани, хўжалик судларининг иқтисодий судларга айлантирилиб, туманлараро судларнинг очилгани, маъмурий ишлар бўйича судлар фаолият юрита бошлаши муҳим қадамлардан бири бўлди. Кейинги бир йилда ушбу соҳа бўйича қабул қилинган қонунлар, Президентимиз фармон ва қарорларининг туб моҳиятини, асосини фуқаролар, жумладан, тадбиркорлар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш ташкил этади. Энг муҳими, судларнинг очиқлигига эришилмоқда. Яъни, мурожаат билан келган ҳар бир фуқаронинг дардларини, муаммосини яқиндан, юзмаюз эшитиб ҳал қилиш бош вазифа қилиб белгиланди.

Ўз навбатида, уларга ҳам ўз қонуний ҳақ-ҳуқуқларини тушунтиришга тўғри келмоқда. Ушбу мақсадда Олий суднинг нашрлари ташкил этилган. Шулардан бири «Одил судлов» — «Правосудие» журналидир. У собиқ Олий хўжалик судининг матбуот нашри бўлиб, 20 йилдан ошиқ давр мобайнида фаолият кўрсатиб келди. Бугуннинг талабидан келиб чиқиб, таҳририят ҳам «Иқтисод ва ҳуқуқ» — «Экономика и право» номи билан чоп этилаётган журналнинг мавзуларини, ҳажминини янада кенгайтириб, «Одил судлов» — «Правосудие» деб қайта рўйхатдан ўтказди.

Журналнинг келгусида қонунларимизни, Президентимиз фармон ва қарорларини аҳолига етказишида, мамлакатимизда кечаётган ислохотларни ёритишида, долзарб мавзуларни ўз мақолалари орқали кўтариб чиқишида муваффақият тилайман. Журнал маънавиятни, адолатни ёритувчи чироқ бўлиб хизмат қилишдан асло толмасин.

**К. КАМИЛОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий суди раиси**



## ҚОНУНЧИЛИК ВА РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ФАРМОНИ

### СУД-ТЕРГОВ ФАОЛИЯТИДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ КАФОЛАТЛАРИНИ КУЧАЙТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, энг аввало, жиноий тажовузлардан ҳимоя қилишнинг ишончли кафолатларини таъминлашга, шунингдек, уларнинг шаъни ва қадр-қиммати камситилишига, қонуний манфаатлари чекланишига йўл қўймасликка қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг асосига қонун устуворлиги, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, инсонпарварлик, адолатлилик ва айбсизлик презумпцияси каби конституциявий принциплар пойдевор қилиб қўйилган.

2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг ижроси юзасидан суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш, одил судловнинг сифати ва шаффофлигини ошириш, «Хабеас корпус» институтини қўллашни кенгайтириш, коррупцияга қарши курашишнинг самарали тизимини яратишга қаратилган қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Судлар томонидан жиноят ишларини қўшимча тергов юртишга қайтариш тартибининг бекор қилинганлиги суд ва тергов органларининг ҳақиқатни ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатларни аниқлаш, шунингдек, қонуний, асослантирилган ва адолатли қарор қабул қилиш борасидаги масъулиятини ошириш имконини берди.

Натижада фақатгина 2017 йилнинг 10 ойи давомида судлар томонидан **191** нафар шахсга нисбатан оқлов ҳукми чиқарилди, ваҳоланки, охириги беш йилда атиги 7 нафар шахс оқланган. Бундан ташқари, жорий йилда дастлабки тергов органлари томонидан реабилитация ва бошқа асослар бўйича **3 511** та жиноят иши тугатилган.

*\*Ушбу Фармон «Халқ сўзи» газетасида 2017 йил 1 декабрда эълон қилинган.*

Шу билан бирга, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг таҳлили, аҳоли билан очиқ мулоқот натижаларини умумлаштириш қонунчиликда жиноят ишларини тергов қилиш ва кўриб чиқиш жараёнида далилларни тўплаш, мустаҳкамлаш, текшириш ва баҳолашда қонунийлик ва холисликни таъминлашга тўсқинлик қилувчи ҳуқуқий бўшлиқларнинг мавжудлигидан далолат бермоқда.

Ушбу ҳолатлар фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда, оқибатда эса аҳолининг асосли эътирозига, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ва суднинг беғаразлигига бўлган ишончининг пасайишига олиб келмоқда.

Қонун устуворлиги, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, инсонпарварлик, адолатлилик ва айбсизлик презумпцияси каби конституциявий принципларни сўзсиз ва оғишмай таъминлаш, суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиш, жиноят-процессуал ва жиноят-ижроия қонунчилигини янада такомиллаштириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасига мувофиқ:

1. Қонун ҳужжатлари талабларига оғишмай ва қатъий риоя этишга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органларининг биринчи даражали эътибори қаратилсин, унга мувофиқ қонун нормаларини аниқ ижро этиш ва уларга риоя қилишдан ҳар қандай чекиниш, қандай сабабларга кўра келиб чиққанидан қатъи назар, қонунийликни бузиш ҳисобланади ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

2. Процессуал қонунчиликни жиддий бузган ҳолда ёки ноқонуний услублар билан, шу жумладан:

жиноят процесси иштирокчилари ёки уларнинг яқин қариндошларига нисбатан қийноққа солиш, психологик ва жисмоний тазйиқ ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёхуд қадр-қимматни камситувчи муомала турларини қўллаган ҳолда;

гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг ҳимояга бўлган ҳуқуқини, шунингдек, таржимон хизматидан фойдаланиш ҳуқуқини бузган ҳолда;

жиноят процессида иштирок этаётган шахсга ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтирмаслик оқибатида уни чалғитган ҳолда;

мазкур жиноят иши бўйича иш юритишни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан процессуал ҳаракатларни ўтказиш оқибатида;

номаълум манбадан ёхуд жиноят иши бўйича иш юритиш жараёнида аниқлаш мумкин бўлмаган манбадан;

дастлабки тергов жараёнида жабрланувчи, гувоҳ, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг судда мавжуд далиллар мажмуи билан ўз тасдиғини топмаган кўрсатувларидан;



мавжуд далиллар мажмуи билан тасдиқланган ҳоллардан ташқари, жабрланувчи, гувоҳ, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг тахмин, фараз ёки миш-мишларга асосланган кўрсатувларидан олинган ҳамда тегишли равишда юридик кучга эга бўлмаган маълумотлардан жиноят ишлари бўйича далил сифатида фойдаланишга йўл қўйилмасин.

### 3. Қуйидагилар тақиқлансин:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳоллардан ташқари, судларда жиноят ишларининг ошкора кўрилиши принципини чеклайдиган қўшимча талабларни жорий этиш;

процессуал қонунчилик нормаларини бузган ҳолда олинган гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг кўрсатувлари, эксперт хулосаси, ашёвий далиллар, аудио ва видеоёзув ҳамда бошқа материаллардан далил сифатида фойдаланиш.

4. Шахсни ноқонуний ушлаб туриш, қамоққа олиш, жиноий жавобгарликка тортиш ёки ҳукм қилишга сабаб бўлган, ҳужжатлар ёки ашёларга била туриб ёлғон маълумотлар ва бошқа бузиб кўрсатилган фактларни киритиш, ҳақиқатга тўғри келмайдиган кўрсатув беришга мажбурлаш, иш бўйича ҳақиқий ҳолатларни бузиб кўрсатиш орқали далилларни қалбакилаштирганлик учун, ёлғон гувоҳлик ва ёлғон хабар берганлик учун жавобгарликни кучайтиришни назарда тутган ҳолда, жиноий жавобгарлик киритилсин.

### 5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

сиртдан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган ушланган шахс тегишли ваколатли органга етказилган вақтдан бошлаб етмиш икки соат ичида мазкур эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги ажрим устидан суд тартибида шикоят қилиш ҳуқуқига эга;

далилларни йиғиш ва мустаҳкамлашда рухсат берилмаган услублар қўлланилганлиги тўғрисидаги мурожаатлар прокуратура органлари ёки суд томонидан қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда тиббий экспертиза ўтказиш орқали мажбурий текширилиши шарт;

ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш (ўта офир жиноятлар бўйича), тинтув, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, тергов эксперименти тарзидаги процессуал ҳаракатларни видеоёзув воситаларидан фойдаланган ҳолда мажбурий видео қайд этиш амалга оширилади;

ҳимоячи жиноят иши бўйича далилларни тўплаш ва тақдим этиш ҳуқуқига эга бўлиб, улар жиноят иши материалларига қўшиб қўйилиши, шунингдек, суриштирув, дастлабки тергов ўтказиш ва жиноят ишини судда кўриб чиқиш вақтида мажбурий текширилиши ва баҳоланиши шарт;

ҳақиқий маълумотларнинг далил сифатида фойдаланишга номақбуллиги суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд томонидан ўз ташаббуси билан ёки тарафлар илтимосномаси бўйича белгиланади. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд далилларнинг номақбуллиги ҳақидаги масалани ҳал қилишда далилнинг номақбул деб топилишига асос бўлган қонунбузилиши нимада ўз аксини топганлигини аниқлашга ва асослангандирилган қарор (ажрим) қабул қилишга мажбур;

суд муҳокамаси жараёнида стенография юритилади, унинг материаллари жиноят иши материалларига қўшиб қўйилади;

прокурор томонидан:

озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ўтаётган, қамокда сақланаётган, ушлаб турилган ёки маъмурий қамокқа олинган шахслардан жиноятлар тўғрисидаги олинган ариза, хабар ва бошқа маълумотларни зудлик билан қайд этиш ва ҳал қилиш тўғрисидаги жиноят-процессуал қонунчилик талабларига риоя этилиши;

мазкур шахсларга ёки уларнинг яқин қариндошларига психологик ёхуд жисмоний таъсир кўрсатилган бўлиши мумкинлиги, шунингдек, уларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликдан озод этилиши юзасидан чалғитилганлиги;

ноқонуний жавобгарликка тортиш ҳолатлари бўйича юқори турувчи прокурорни хабардор қилган ҳолда, озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ўташ тартибини бузганлик учун маҳкумларга интизомий жазо чораси қўлланилишининг қонунийлиги юзасидан мажбурий тарзда текширишлар ўтказилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Сиёсий-ҳуқуқий масалалар хизмати (О. Б. Муродов) бир ой муддатда мазкур Фармоннинг 1—5-бандларида назарда тутилган чоратадбирларни амалга оширишга қаратилган қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Президентининг қонунчилик ташаббуси тартибида тайёрласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси:

жиноят ишларини тергов қилиш ва кўриб чиқиш жараёнида далилларни тўплаш, мустаҳкамлаш, текшириш ва баҳолашда;

жиноят ишлари бўйича ушлаб туриш ва бошқа процессуал мажбурлов чораларини қўллашда;

маъмурий қамок тарзидаги маъмурий жазони ижро этишда;

содир этган жинояти ҳақида қонунда белгиланган муддатларда хабар қилган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган, жиноятнинг очирилишига фаол ёрдам берган ва етказилган зарарни қоплаган шахсларни жиноий жавобгарликдан озод этишни назарда тутувчи нормаларни қўллашда қонунийликнинг ҳамда қонунчилик талабларини бузганликнинг ҳар бир ҳолати бўйича жавобгарлик муқаррарлигининг таъминланиши устидан қатъий назорат ўрнатсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда тергов ҳибсхоналари, вақтинча сақлаш ҳибсхоналари ва махсус қабулхоналар, маъмурий қамоқни ўташ жойларини видеокузатув воситалари билан жиҳозлашни таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) томонидан жазони ижро этиш муассасаларида жазони ўтаётган, ушлаб турилган ёки қамоқда сақланаётган, шунингдек, маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши устидан парламент назоратини амалга ошириш тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш тавсия этилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий суди, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда:

суд-тергов ҳаракатларини юритишнинг инновацион шакл ва услубларидан фойдаланишнинг, шунингдек, далиллар алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги тўғрисидаги жиноят-процессуал қонунчилик талабларига риоя этилишини таъминлашнинг илғор хорижий тажрибасини ўрганиш ҳамда таҳлил қилишни;

ҳодиса содир бўлган жой ҳолатини ўзгартириш, далилларни йўқотиш ёки йўқ қилишга, шу жумладан, ўраб олиш орқали йўл қўймасликка қаратилган биринчи навбатдаги чора-тадбирларни кўриш тартибини ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлашни;

қонунчиликни ҳамда жиноят ишларини тергов қилиш ва кўриб чиқиш услубиётини янада такомиллаштириш, суд-тергов фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни кенгайтириш, жиноят иши бўйича иш юритувни, шу жумладан, «Электрон жиноят иши» тизимини жорий этиш орқали оптималлаштириш ва соддалаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда киритишни ташкил этсин.

11. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси О.Б.Муродов ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори И.Б.Абдуллаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,  
2017 йил 30 ноябрь*

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
«Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг  
ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини  
кучайтириш бўйича қўшимча чора-  
тадбирлар тўғрисида»ги Фармониغا  
ШАРҲ**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият деб эълон қилинган.

Ўзбекистон инсон ҳуқуқларини таъминлашга оид 70 дан ортиқ халқаро шартномаларга қўшилган, уларга риоя этилиши масалалари бўйича эса БМТнинг тегишли қўмиталарига 30 дан ортиқ миллий ҳисоботларни тақдим қилган. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, прокуратура, адлия, ички ишлар органларини ўз ичига олган миллий институтларнинг уйғун тизими фаолият кўрсатмоқда.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш тизimini мустаҳкамлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чоралар тизимли асосда кўрилмоқда.

Хусусан, 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг ижроси юзасидан суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш, одил судловнинг сифати ва шаффофлигини ошириш, «Хабеас корпус» институтини қўллашни кенгайтиришни назарда тутувчи 50 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Судлар томонидан жиноят ишларини қўшимча терговга қайтариш тартибининг бекор қилинганлиги суд ва тергов органларининг ҳақиқатни ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатларни аниқлаш, шунингдек, қонуний, асосли ва адолатли қарор қабул қилиш борасидаги масъулиятини ошириш имконини берди.

Натижада фақатгина 2017 йилнинг 10 ойи давомида судлар томонидан 191 нафар шахсга нисбатан оқлов ҳукми чиқарилди, ваҳоланки, охириги беш йилда атиги 7 нафар шахс оқланган. Бундан ташқари, жорий йилда дастлабки тергов органлари томонидан реабилитация ва бошқа асослар бўйича 3511 та жиноят иши тугатилган.

Шу билан бирга, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг таҳлили, аҳоли билан очик мулоқот натижаларини умумлаштириш қонунчиликда жиноят ишларини тергов қилиш ва кўриб чиқиш жараёнида далилларни тўплаш, мустаҳкамлаш, текшириш ва баҳолашда қонунийлик ва холисликни таъминлашга тўсқинлик қилувчи ҳуқуқий бўшлиқларнинг мавжудлигидан далолат бермоқда.

Ушбу ҳолатлар фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатиб, аҳолининг асосли эътирозига, унинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ва суднинг холислигига ишончи пасайишига олиб келмоқда.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан асосий мақсади суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши, жиноят-процессуал ва жиноят-ижроия қонунчилигини янада такомиллаштириш, қонун устуворлиги, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, инсонпарварлик, адолатлилик ва айбсизлик презумпцияси каби конституциявий принципларнинг амалий рўёбга чиқарилишини таъминлашдан иборат бўлган «**Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**»ги Фармон қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 11-моддасига мувофиқ қонун нормаларини аниқ бажаришдан ва уларга риоя қилишдан ҳар қандай чекиниш, қандай сабабларга кўра юз берганидан қатъи назар, жиноят процессида қонунийликни бузиш ҳисобланади ва белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Давлат раҳбари ўз Фармонида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органларининг биринчи даражали эътиборини мазкур талабларга қатъий ва оғишмай риоя этиш зарурлигига қаратди.

Қайд этилган органлар процессуал қонунчиликни жиддий бузган ҳолда ёки ноқонуний услублар билан олинган маълумотлардан жиноят ишлари бўйича далиллар сифатида фойдаланишга йўл қўймаслик тўғрисида огоҳлантирилди. Бундай қонун бузилиши ва рухсат этилмаган услублар орасида, биринчи навбатда, қийноққа солиш, психологик ва жисмоний тазйиқ, бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала турлари қайд этилган.

Фармон билан Жиноят-процессуал кодексида тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳоллардан ташқари, **судларда жиноят ишларининг ошкора кўрилиши принципини чеклайдиган қўшимча талабларни жорий этиш тақиқланмоқда.** Процессуал қонунчилик нор-

маларини бузган ҳолда олинган жабрланувчи, гувоҳ, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг кўрсатувлари, эксперт хулосаси, ашёвий далиллар, аудио ва видеоёзув ҳамда бошқа материаллардан далил сифатида фойдаланишга йўл қўйилмаслиги таъкидланди.

Қонунчиликда мавжуд бўшлиқни ҳисобга олган ҳолда, шахсни ноқонуний ушлаб туриш, қамоққа олиш, жиноий жавобгарликка тортиш ёки ҳукм қилишга сабаб бўлган, ҳужжатлар ва ашёларга била туриб ёлғон маълумотлар ва бошқа бузиб кўрсатилган ҳолатларни киритиш, ҳақиқатга тўғри келмайдиган кўрсатувлар беришга мажбурлаш, иш бўйича ҳақиқий ҳолатларни бузиб кўрсатиш орқали далилларни қалбакилаштирганлик учун **жиноий жавобгарлик киритилмоқда**. Шунингдек, ёлғон гувоҳлик ва ёлғон хабар берганлик учун жавобгарлик кучайтирилмоқда.

Жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашнинг қатор қўшимча кафолатлари киритилмоқда.

Хусусан, сиртдан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган ушланган шахсга тегишли ваколатли органга келтирилган вақтдан бошлаб 72 соат ичида мазкур эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги ажрим устидан суд тартибида шикоят қилиш ҳуқуқи берилмоқда.

Қийноққа солганлик ҳақидаги аризаларни ўз вақтида ва ҳолисона кўриб чиқиш мақсадида далилларни тўплаш ва мустаҳкамлашда рухсат берилмаган услублар қўлланилганлиги тўғрисидаги мурожаатларни прокуратура органлари ёки суд томонидан мажбурий текшириш киритилмоқда. Текшириш ўтказишда тиббий экспертиза тайинланиши шарт.

Асосий процессуал ҳаракатларни мажбурий видео қайд этиш далилларни тўплаш ва мустаҳкамлашда қонунийлик ва холисликни таъминлашга қаратилган муҳим янгиликлардан ҳисобланади. Ўта оғир жиноятлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, шунингдек, тинтув, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш ва тергов эксперименти бундай ҳаракатларга киритилди.

Бундан ташқари, ҳозирги вақтга қадар ҳимоячи далиллар эмас, балки далил сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган маълумотларни тўплаш ҳуқуқига эга бўлган, бу судда ишларни юритишда тортишув принципи бузилишига олиб келар эди. Шунинг учун, ҳимоячига жиноят иши материалларига қўшиб қўйилиши шарт бўлган далилларни тўплаш ва тақдим этиш ҳуқуқи берилди.

Далилларни тўплаш ва мустаҳкамлашнинг қонунийлигини таъ-

минлашда прокурорга муҳим вазифалар юкланиб, у озодликдан маҳрум қилинган, қамоқда сақланаётган, ушлаб турилган ёки маъмурий қамоқ қўлланилган шахслардан жиноятлар тўғрисидаги олинган ариза, хабар ва бошқа маълумотларни зудлик билан қайд этиш ва ҳал қилиш ҳақидаги қонун талабларига риоя этилишини мажбурий тарзда текшириши шарт. Шунингдек, прокурорга мазкур шахслар ёки уларнинг яқин қариндошларига психологик ёхуд жисмоний таъсир кўрсатилишига йўл қўймаслик, уларнинг жавобгарликдан озод этилиши юзасидан чалғитилганлиги бўйича чоралар кўриш ҳам юклатилмоқда.

Озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ўташ тартибини бузганлик учун маҳкумларга интизомий жазо чораси қўлланилишининг қонунийлиги прокурор текшируви билан қамраб олинади. Бу маҳкумлар томонидан қоидабузарлик содир этилганлиги баҳонаси билан озодликдан маҳрум қилиш жойларида бўлиши мумкин бўлган суиистеъмолчиликларнинг олдини олиш имконини беради.

Кўрсатиб ўтилган чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қонунчилик ташаббуси тартибида киритиладиган тегишли қонун лойиҳасида ўз аксини топади.

Қайд этилганлардан ташқари, ваколатли органларга ташкилий характердаги қатор топшириқлар берилмоқда.

Хусусан, тергов ҳибсхоналари, вақтинча сақлаш ҳибсхоналари, махсус қабулхоналар, маъмурий қамоқни ўташ жойларида видеокузатув воситаларини ўрнатиш топширилган.

Илғор хорижий тажрибани ўрганиш асосида қонунчиликни ҳамда жиноят ишларини тергов қилиш ва кўриб чиқиш услубиётини янада такомиллаштириш, суд-тергов фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни кенгайтириш, жиноят иши бўйича иш юритувни, жумладан «Электрон жиноят иши» тизимини жорий этиш орқали оптималлаштириш ва соддалаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонининг амалга оширилиши ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органлари фаолиятида тизимли қонун бузилишлар ва камчиликларни бартараф этиш имконини беради, шунингдек, суд-тергов фаолиятида фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз ва оғишмай риоя қилилишини таъминлайди.

*Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенатининг  
ҚАРОРИ*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ СУДИ ТАРКИБИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР  
КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни 9-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати

**Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**

1. Қуйидагилар:

Бахриддин Азимович **Наимов** муддатсиз даврга  
Дилбар Келдиёровна **Исраилова** ўн йил муддатга  
Жанагул Исмайловна **Балкибаева** муддатсиз даврга  
Мукаддас Зиядуллаевна **Гуламова** ўн йил муддатга  
Новруз Бабакулович **Рахманов** ўн йил муддатга  
Туйгун Маматкулович **Курбанов** ўн йил муддатга  
Хуснора Турадждоновна **Хакимова** ўн йил муддатга  
Шухрат Зафарович **Саидов** ўн йил муддатга Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси лавозимига сайлансин.

2. Бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан:

Ботирали Муродович **Диёров**  
Давлатмирза Казакджанович **Камилов**  
Олим Буриевич **Хайитов** Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси лавозимидан озод этилсин.

3. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенатининг Раиси**

**Н. ЙЎЛДОШЕВ**

*Тошкент шаҳри,  
2017 йил 21 декабрь*





## ОЛИЙ СУД ҚАРОРЛАРИ

### 5-1390/17-СОНЛИ ИШ (2017 йил 12 октябрдаги ажримдан кўчирма)

*Иш қўзғатилган ва тергов ҳаракатлари ёки суд муҳокамаси ўтказилган иш бўйича шахснинг қилмишида жиноят таркиби бўлмаса, шахс айбсиз деб топилиши лозим*

Жиноят ишлари бўйича туман судининг 2017 йил 20 апрелдаги ҳукмига кўра, О.Хусеновга (матндаги барча исм фамилиялар ўзгартирилган) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси (ЖК)нинг 228-моддаси иккинчи қисми «б» банди билан ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил, 228-моддаси учинчи қисми билан ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил, ЖКнинг 59-моддаси тартибида ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланиб, у 2016 йил 12 октябрдаги амнистия актига асосан жазодан озод қилинган.

Жиноят ишлари бўйича вилоят суди апелляция инстанциясининг 2017 йил 4 июлдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Мазкур ҳукм билан Г.Хусенова, Ф.Хусенова ва М.Хусенова ҳам судланган бўлиб, апелляция инстанцияси ажрими билан ҳукмнинг уларга оид қисми бекор қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси (ЖПК) 83-моддасининг 2-бандига асосан иш тугатилган.

Суднинг ҳукмига кўра, О.Хусенов Озарбайжон Республикасининг Али-Байрамлы шаҳрида туғилиб, 1992 йил 2 июлдаги «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Қонун кучга киргунга қадар Ўзбекистон Республикаси Сирдарё вилоятида доимий рўйхатдан ўтмаган бўлса-да, ҳужжатларини қалбакилаштириш ва била туриб қалбаки ҳужжатдан фойдаланиш мақсадида ўзининг номига Сирдарё тумани ИИБ томонидан 2013 йил 6 декабрда берилган ААН№3514839-рақамли фуқаролик паспортининг қалбаки эканлигини, ушбу фуқаролик паспорти унга асоссиз равишда берилганлиги ва Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиши учун асослар йўқлигини билгани ҳолда ушбу қалбаки фуқаролик паспортдан фойдаланиб келганликда айбли деб топилган.

Дастлабки тергов ва суд томонидан О.Хусенов турмуш ўртоғи Г.Хусенова, фарзандлари Ф.Хусенова ва М.Хусенова билан расмий ҳужжатларни қалбакилаштириш ва била туриб қалбаки ҳужжатдан фойдаланиш мақсадида олдиндан тил бириктириб, 1992 йил 2 июлга қадар Сирдарё вилоятида доимий рўйхатдан ўтмаганлиги ўзига маълум бўлса-да, унга Сирдарё тумани ИИБ томонидан асоссиз равишда берилган фуқаролик паспортдан ҳужжатнинг қалбаки эканлиги-

ни билгани ҳолда фойдаланиб келганликда айбдор деб топилган.

О.Хусенов судда айбли қилмиш содир этмаганлигини кўрсатиб, ҳақиқатан 1962 йил 1 апрелда Озарбайжон ССР Али-Байрамлы шаҳрида туғилгани, 1978 йилда собиқ СССР паспортини олгани, 1979 йилда Сирдарё вилоятига кўчиб келиб, бу ерда Г.Хусенова билан қонуний никоҳдан ўтгани, дастлаб Сирдарё тумани ИИБ томонидан фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси берилиб, 2013 йилда АА 3514839-рақамли Ўзбекистон фуқаролиги паспорти берилгани, жиноят содир этиш ҳақида ҳеч ким билан тил бириктирмагани ва жиноят содир этмагани ҳақида кўрсатув берган.

Гувоҳ Р.Боқиев судда туман ИИБ паспорт бўлинмаси бошлиғи вазифасида ишлаб келиши, Хусеновлар оиласи Сирдарё туманида яшаб келишгани, эр-хотин О.Хусенов ва Г.Хусенова 1989 йилда Россия Федерацияси Мордовия АССРга ишлаш учун кетиб, 1992 йил октябрь ойида Сирдарё туманига қайтишгани, ўша вақтда уларга вақтинчалик «Форма-9» ҳужжати расмийлаштириб берилгани, кейинчалик 2013 йилда уларга берилган фуқаролиги йўқ шахс гувоҳномалари қайтариб олиниб, Ўзбекистон Республикаси фуқаролик паспортлари берилгани, ҳақиқатан Г.Хусенова 1989 йил июль ойида Сирдарё вилояти томонидан «комсомол йўлланмаси» билан Россиянинг Мордовия автоном республикасига кетгани, бу ҳолатни тасдиқловчи ҳужжатлар туман архивида мавжудлиги, лекин унинг турмуш ўртоғи О.Хусеновга «комсомол йўлланмаси» берилмагани, уларнинг фарзандлари Ф.Хусенов ва М.Хусенова Ўзбекистонда туғилгани, уларга дастлаб мактабда ўқиш даврида Ўзбекистон фуқаролик паспорти берилгани ҳақида кўрсатув берган.

Гувоҳ С.Собиров Сирдарё тумани архивида ҳужжатлар билан ишловчи ижрочи вазифасида ишлаши, ҳақиқатан «Малек» қишлоқ хўжалигининг 1989 йил 12 июлдаги 198к-рақамли буйруғи билан Г.Хусенова «комсомол йўлланмаси» билан Россияга ишлаш учун кетгани сабабли Сирдарё туманидаги иш жойидан озод қилингани ҳақидаги ҳужжат, Г.Хусеновнинг фермада ишлаганлигини тасдиқловчи китоб, О.Хусенов, Г.Хусенова ҳамда уларнинг фарзандлари М.Хусенова ва Ф.Хусенова Сирдарё тумани, «Даврон» хўжалиги ҳудудида яшагани, О.Хусенов ҳам ушбу хўжалиқда 1986-1987 йилларда ишлаганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар туман архивида мавжудлиги ҳақида кўрсатув берган.

Иш ҳужжатларига қараганда, «Даврон» ишлаб чиқариш тажриба хўжалиги директори К.Алиев томонидан имзоланган 1989 йил 12 июлдаги 198-сонли буйруққа кўра Г.Хусенова «комсомол йўлланмаси» билан Россия Федерацияси Мордовия АССРга қишлоқ хўжалигида ишлаш учун юборилган.

Г.Хусеновнинг меҳнат дафтарчасида у 1980 йилдан Сирдарё туманидаги «Даврон» ишлаб чиқариш тажриба хўжалигида соғувчи вазифасида ишлаб, 1989 йил июль ойида «комсомол йўлланмаси»га

асосан ишлаш учун юборилаётгани муносабати билан ишдан бўшатирилгани, шу йил август ойида Мордовия АССР «Восход» совхозига соғувчи вазифасига ишга қабул қилингани, 1992 йил сентябрь ойида ўз хоҳишига кўра «Восход» совхози ишчиси вазифасидан бўшатирилгани ва 1993 йил июль ойида яна «Даврон» ишлаб чиқариш тажриба хўжалиги соғувчиси вазифасига ишга қабул қилингани ҳақидаги ёзувлар қайд этилган.

Шунингдек, О.Хусеновга 1979 йилда Сирдарё туманидаги ўрта мактабни тамомлаганлиги ҳақида тўлиқсиз ўрта маълумот тўғрисидаги гувоҳнома ҳамда Сирдарё шаҳри ҳарбий комиссариати томонидан 1981 йил 6 май куни ҳарбий билет берилган.

О.Хусеновнинг меҳнат дафтарчасида у 1980 йилдан Сирдарё туманидаги «Даврон» ишлаб чиқариш тажриба хўжалигида молбоқар вазифасида ишлаб, 1981 йил май ойида ҳарбий хизматга кетаётганлиги муносабати билан ишдан бўшатирилгани, ҳарбий хизматдан қайтиб 1983—1984 йилларда темир-бетон буюмлари заводида ишчи вазифасида ишлаб, 1984 йил октябрь ойида «Даврон» ишлаб чиқариш тажриба хўжалигига молбоқар вазифасига ишга қабул қилингани, 1989 йил июнь ойида ўз хоҳишига кўра ишдан бўшатирилгани, шу йил июль ойида Мордовия АССР «Восход» совхозига молбоқар вазифасига ишга қабул қилингани, 1992 йил сентябрь ойида ўз хоҳишига кўра «Восход» совхози ишчиси вазифасидан бўшатирилиб, 1994 йил май ойида яна «Даврон» ишлаб чиқариш тажриба хўжалиги молбоқари вазифасига ишга қабул қилингани ҳақидаги ёзувлар қайд этилган.

Бу ҳолатдан кўринадики, О.Хусенов 1979 йилдан Сирдарё туманида доимий яшаб, турмуш ўртоғи билан «Даврон» ишлаб чиқариш тажриба хўжалигида ишлаб, гарчанд унинг номига йўлланма берилмаган бўлса-да, 1989 йилда турмуш ўртоғи Г.Хусенова ва икки нафар фарзанди билан Россия Федерацияси Мордовия АССРга бориб, қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаган ҳамда 1992 йилда яна оиласи билан бирга Сирдарё туманига қайтиб келиб, 1992 йил 26 ноябрда паспортини доимий рўйхатга, ҳарбий билетини эса ҳарбий ҳисобга қўйган.

1992 йил 2 июлдаги «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Қонунининг 29-моддасида Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисидаги ишларни юритувчи Ўзбекистон Республикасининг давлат идоралари Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ҳисобланиши;

31-моддасида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва тегишли ваколатлар берилган унга бўйсунувчи идоралар:

1) Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи шахслардан Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги масалаларига оид аризаларни қабул қилиши;

2) Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги масалаларига доир аризани

асослаш мақсадида келтирилган далил ва ҳужжатларни текшириши;

3) фуқаролик масалаларига доир аризани зарур ҳужжатлар билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик масалалари бўйича комиссияга йўллаши;

4) Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублигини аниқлаши;

5) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотган ҳолларни қайд этиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 20 ноябрдаги Фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисида»ги Низомда республика ҳудудида доимий яшовчи шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублиги:

1. «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Қонунининг 31, 35-моддаларига мувофиқ ички ишлар органлари Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи шахснинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублигини унинг шахсий аризасига биноан, шунингдек унинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублиги хусусида шубҳа юзага келган бошқа барча ҳолларда аниқлаши;

2. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига мансубликни аниқлаш чоғида шахс ўзининг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиши ёки ундан маҳрум бўлиши сабабларини кўрсатиб, таржимаи ҳолини, яшаётган муддати ва оиласининг таркибини кўрсатиб, доимий истиқомат жойидан маълумотномани, учта фотосуратни тақдим этиши;

3. Шахснинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублигини аниқлаш яқунлари бўйича асосли хулоса чиқарилиши, уни тегишли ички ишлар органининг раҳбари имзолаши ва шаҳар ёки туман ҳокими тасдиқлаши қайд этилган.

Сирдарё тумани ИИБ бошлиғи томонидан имзоланган ҳамда Сирдарё тумани ҳокими томонидан тасдиқланган Хусенов Ойдин Тарлан оғли ва Хусенова Гузалнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини аниқлаш юзасидан ўтказилган текширишнинг 2013 йил 7 октябрдаги хулосасига кўра, фуқаролиги бўлмаган шахслар О.Хусенов Г.Хусенова ва уларнинг фарзандлари Ф.Хусенова ва М.Хусенова Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳисобланиб, уларга фуқаролик паспортлари берилиши лозим, деб топилган.

Шунга асосан О.Хусеновдан фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси олинди, унга 2013 йил 6 декабрь куни АА 3514839 рақамли Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги паспорти расмийлаштириб берилган.

ЖКнинг 9-моддасида шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавфли қилмиши учунгина жавобгар бўлиши белгиланган.

ЖПКнинг 22-моддасида иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши, айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозимлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Суд ҳукми тўғрисида» 2014 йил 3 майдаги қарорининг 5-бандида ҳукм ЖПКнинг 26, 90 ва 455-моддалари талабига биноан фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозимлиги;

ушбу Қарорнинг 6-бандида ишда тўпланган далилларнинг етарли эмаслиги сабабли, улар далил ҳисобланмаслиги ёки қўйилган айбловда судланувчининг тўлиқ айбдорлиги тўғрисидаги шубҳани бартараф қилишнинг имкони йўқлиги ҳақидаги суднинг асослантирилган ҳулосаси оқлов ҳукми чиқариш учун асос бўлиши ҳақида тушунтиришлар берилган.

ЖПКнинг 463-моддасига мувофиқ айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмас ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршиликларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозим.

Жиноят ишида О.Хусенов Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини асоссиз равишда олиш мақсадида бошқа шахслар билан тил бириктирганини ёки шу мақсадда расмий ҳужжатларни сохталаштирганини тасдиқловчи бирорта далил мавжуд эмас.

Бундан ташқари, унга фуқаролик паспорти қонуний ваколатлар берилган ички ишлар идорлари томонидан ўтказилган текшириш ва давлат органлари раҳбарлари томонидан имзоланган ҳулосага асосан берилган.

Шундай ҳолатда дастлабки тергов органи ва биринчи инстанция суди томонидан О.Хусенов турмуш ўртоғи ва фарзандлари билан олдиндан тил бириктириб, фуқаролик паспорти олиш мақсадида ҳужжатларни қалбакилаштириш ва уни қалбаки эканлигини билгани ҳолда фойдаланиш жиноятида асоссиз равишда айбли деб топилган.

«Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасида давлат йўлланмаси билан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ишлаётган, ҳарбий хизматни ўтаётган ёки ўқиётган шахслар, агар улар Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида туғилган бўлсалар ёки доимий яшаганликларини исбот қилган бўлсалар, бошқа давлатларнинг фуқаролари бўлмасалар ва ушбу Қонун

кучга кирганидан кейин кечи билан бир йил ичида Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлиш истагини билдирган бўлсалар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари бўлиши белгиланган.

Апелляция инстанцияси мазкур иш бўйича Г.Хусеновнинг давлат йўлланмаси билан Россияда ишлаб, кейин 1992 йил ноябрь ойида Сирдарё туманига қайтиб доимий рўйхатга қўйилганлигини инобатга олиб, Г. Хусенова ҳамда унинг фарзандлари Ф. Хусенова ва М. Хусеновнинг қилмишида жиноят таркиби мавжуд эмаслиги боис, ишнинг уларга оид қисмини ЖПК 83-моддасининг 2-бандига асосан тугатиш ҳақида тўғри тўхтамга келган.

Бироқ, апелляция инстанцияси О.Хусенов оила аъзолари билан бир гуруҳ бўлиб жиноят содир этишда айбланганига, ишда унинг ҳужжатларни қалбакилаштирганидан далолат берувчи далиллар мавжуд эмаслигига эътибор бермасдан, шунингдек унинг турмуш ўртоғи Г.Хусенова билан бир жойда ишлаб, кейин турмуш ўртоғи билан фарзандларини олиб бирга ишлаш учун кетиб, уч йилдан сўнг яна оила аъзолари билан бирга қайтиб келиб, илгариги истиқомат жойида доимий рўйхатдан ўтиб яшаб келганига холисона ҳуқуқий баҳо бермасдан, О.Хусеновда давлат йўлланмаси бўлмагани ёки уни «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Қонун кучга киргунга қадар паспорт олиш ҳақида Сирдарё туман ИИБга мурожаат қилмаганлигини асос қилиб, ҳукмнинг унга тегишли қисмини ўзгаришсиз қолдириш ҳақида нотўғри хулосага келган.

Бундай ҳолда О.Хусенов бир гуруҳ шахслар билан олдиндан тил бириктириб, расмий ҳужжатларни қалбакилаштириш ва ҳужжатнинг қалбаки эканлигини била туриб фойдаланиш жиноятларини содир этган деб бўлмайди.

ЖПКнинг 83-моддасига мувофиқ, иш қўзғатилган ва тергов ҳаракатлари ёки суд муҳокамаси ўтказилган иш бўйича шахснинг қилмишида жиноят таркиби бўлмаса, шахс айбсиз деб топилиши лозим.

Шу сабабли, судлов ҳайъати О.Хусеновнинг қилмишида жиноят таркиби мавжуд эмаслигини эътиборга олиб, унга оид суд ҳукми ҳамда апелляция инстанцияси ажримини бекор қилиб, жиноят ишини ЖПК 83-моддасининг 2-бандига асосан тугатишни лозим топади.

\* \* \*

### **11-1606/23551-СОНЛИ ИШ**

(2017 йил 11 октябрдаги  
қарордан кўчирма)

*Агар корхонанинг устав фондида давлат улуши бўлса, иқтисодий суд банкротлик тўғрисида иш қўзғатилганлиги ҳақида банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органини хабардор қилиши лозим*

Қарши туман «Универсал таъмир таъминот ишлаб чиқариш» корхонаси (бундан буён матнда аризачи деб юритилади) судга ариза

билан мурожаат қилиб, «Автомагистраль» ихтисослаштирилган йўллари қуриш-таъмирлаш бирлашмаси «Кўприк қуриш участкаси» (бундан буён матнда қарздор деб юритилади)ни банкрот деб топиш ва унга нисбатан тугатишга доир иш юритишни бошлашни сўраган.

Суднинг 2016 йил 29 ноябрдаги ажрими билан қарздорга нисбатан кузатув таомили жорий этилган ва муваққат бошқарувчи этиб О.Ахмаджонов тайинланган. Суднинг 2017 йил 3 мартдаги ажрими билан муваққат бошқарувчи О.Ахмаджонов вазифасидан озод этилиб, 2017 йил 10 мартдаги ажрими билан Р.Расулов муваққат бошқарувчи этиб тайинланган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 5 апрелдаги ҳал қилув қарори билан арз қилинган талаб қаноатлантирилиб, қарздор банкрот деб топилган ва унга нисбатан тугатишга доир иш юритиш бошланган. Тугатиш бошқарувчиси этиб Р.Расулов тайинланган.

Апелляция инстанцияси судининг 2017 йил 12 майдаги қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Кассация инстанцияси судининг 2017 йил 28 августдаги ажрими билан кассация шикоятни бўйича иш юритиш тугатилган.

Назорат тартибидаги протестда 2017 йил 5 апрелдаги ҳал қилув қарори ва апелляция инстанцияси судининг 2017 йил 12 майдаги қарорини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юбориш сўралган.

Судлов ҳайъати ишда иштирок этувчи шахслар вакилларининг вазларини ва прокурорнинг фикрини тинглаб, қуйидаги асосларга кўра суд қарорларини бекор қилишни ва ишни янгидан кўриб чиқиш учун биринчи инстанция судига юборишни лозим топади.

Иш ҳужжатларидан маълум бўлишича, аризачи ва қарздор ўртасида 2014 йил 1 июлда 58-сонли, 2014 йил 5 июлда 60-сонли, 2014 йил 22 сентябрда 77-сонли ва 2015 йил 20 апрелда 29-сонли шартномалар тузилган. Ушбу шартномалар юзасидан бажарилган ишлар бўйича қарздорнинг аризачи олдида 269 458 590,46 сўмлик қарзи юзага келган.

Аризачининг даъво аризаси асосида суднинг 10-1605/6002-сонли иши бўйича қабул қилинган 2016 йил 13 апрелдаги ҳал қилув қарори билан қарздор ҳисобидан аризачи фойдасига 262 140 687 сўм асосий қарз, 6 000 000 сўм пеня ундирилган.

Суднинг ҳал қилув қарори билан ундириш белгиланган қарз қарздор томонидан тўлаб берилмаганлиги сабабли, аризачи судга мурожаат қилиб, қарздорни банкрот деб топиш ва унга нисбатан тугатишга доир иш юритишни бошлашни сўраган.

«Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (бундан буён матнда Қонун деб юритилади) 4-моддасига кўра, қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир эмаслиги, агар тегишли мажбуриятлар ва (ёки) тўлов-

лар мажбурияти юзага келган кундан эътиборан уч ой давомида қарздор томонидан бажарилмаган бўлса, унинг банкротлик аломатлари деб эътироф этилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 57-моддасига кўра, тижоратчи ташкилот бўлган юридик шахс, давлат корхонасидан ташқари, шунингдек матлубот кооперативи ёки ижтимоий фонд шаклида иш олиб бораётган юридик шахснинг кредиторлар талабларини қондиришга қурби етмаса, суднинг қарорига мувофиқ у ночор (банкрот) деб ҳисобланиши мумкин.

Иш ҳужжатларига илова қилинган Юқори Чирчиқ туман тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси томонидан 2013 йил 14 июнда 3862-сон билан рўйхатга олинган қарздор уставининг 1-бандига кўра, «Кўприк қурилиш участкаси» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компаниясини молиявий-иқтисодий соғломлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 13 мартдаги 76-сонли қарори ҳамда «Ўзавтойўл» ДАКнинг 2013 йил 29 майдаги 02/3-830-сонли хатига асосан «Автомагистраль» ихтисослаштирилган йўллари қуриш-таъмирлаш бирлашмаси (муассис)нинг 2013 йил 30 майдаги 31-сонли буйруғи билан ташкил этилган. Уставнинг 24-бандига кўра, «Кўприк қурилиш участкаси» мулки давлат мулки ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йўл хўжалигини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 14 февралдаги ПФ-4954-сонли Фармонида асосан тугатилаётган Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш давлат-акциядорлик компанияси («Ўзавтойўл» ДАК) негизида Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси ташкил этилган. Мазкур қўмита таркибида қарздор муассиси — «Автомагистраль» ихтисослаштирилган йўллари қуриш-таъмирлаш бирлашмаси «Автомагистраль» ихтисослаштирилган йўллари қуриш-таъмирлаш бирлашмаси унитар корхонаси этиб қайта номланган.

Қонуннинг 61-моддасига кўра, агар корхонанинг устав фондида давлат улуши бўлса, суд банкротлик тўғрисида иш қўзғатилганлиги ҳақида банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органини хабардор қилади.

Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи банкротлик тўғрисида иш қўзғатилганлиги ҳақидаги хабарни олган кундан эътиборан икки ҳафталик муддат ичида судга судгача санация қилиш ўтказилиши мақсадга мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги хусусидаги ўз қарорини маълум қилади.

Кредиторлар судгача санация қилиш ўтказилишига рози бўлган тақдирда банкротлик тўғрисидаги иш тугатилади.

Кредиторлар судгача санация қилиш ўтказилишига рози бўлмаган тақдирда банкротлик тўғрисидаги иш муҳокамаси ушбу Қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.



Мазкур ҳолатда биринчи инстанция суди томонидан қарздор давлат корхонаси ёки давлат улуши иштирокидаги корхона ҳисобланиши аниқланмаган. Қарздор давлат улуши иштирокидаги корхона ҳисобланса, банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи — Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Тошкент вилоят ҳудудий бошқармасидан судгача санация қилиш ўтказилиши мақсадга мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги хусусидаги қарорини талаб қилиб олиш чоралари кўрилиб, ариза ҳал этилиши лозим бўлган.

Апелляция инстанцияси суди ушбу ҳолатларни текширмасдан, ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирган.

Қонуннинг 67-моддасига мувофиқ, муваққат бошқарувчи, қарздорнинг мол-мулки бут сақланишини таъминлаш чораларини кўриши, қарздорнинг молиявий аҳволини таҳлил қилиши, қарздорнинг кредиторларини аниқлаши, кредиторларнинг талаблари реестрини юритиши, қарздорга нисбатан кузатув жорий этилгани ҳақида кредиторларни хабардор қилиши, кредиторларнинг биринчи йиғилишини чақириши ва ўтказиши шарт.

Қонуннинг 69-моддасига кўра, қарздорнинг молиявий аҳволини таҳлил этиш қарздорга тегишли мол-мулк суд харажатларини, суд бошқарувчиларига ҳақ тўлаш харажатларини қоплаш учун етарлигини, шунингдек қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш мумкинлиги ёки мумкин эмаслигини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Муваққат бошқарувчи қарздорнинг молиявий аҳволини, шу жумладан қарздорнинг мол-мулки бўлса, шу мол-мулкни инвентаризация қилиш натижаларини молиявий таҳлил қилиш, мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни таҳлил қилиш асосида қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш мумкинлиги ёки мумкин эмаслиги тўғрисидаги таклифларни, банкротликнинг кейинги таомилларини жорий этиш мақсадга мувофиқлиги асосларини тайёрлайди.

Бироқ, қарздорнинг молиявий аҳволи таҳлили асосида унинг тўлов қобилиятини тиклаш мумкин ёки мумкин эмаслиги, шунингдек кредиторлари аниқланмаган.

Қонун 10-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ қарздорга нисбатан содир этиладиган ҳаракатларнинг ҳаммасини барча кредиторлар номидан кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси амалга оширади. Ушбу модданинг учинчи қисмига асосан кредиторлар йиғилишида маслаҳат овози ҳуқуқи билан қарздор ходимларининг вакили, суд бошқарувчиси, қарздор муассисларининг (иштирокчиларининг) ёки қарздор мол-мулки эгасининг вакили иштирок этади.

Қонуннинг 11-моддасида белгиланган тартибда кредиторлар йиғилиши ўтказилмаган. Оқибатда қарздорнинг муассиси маслаҳат овози, кредиторлар эса қарздорга нисбатан қўлланиладиган банкротлик таомили ҳақида овоз бериш ҳуқуқидан маҳрум бўлган.

Суд бошқарувчиси кузатув жараёни натижалари бўйича ҳисобот тақдим этиш, қарздорнинг молиявий аҳволини таҳлил қилиш билан боғлиқ бир қатор ишларни амалга ошириш, қарздорнинг мол-мулкларини аниқлаш борасида сўровномаларнинг жавобларини олиш зарурлиги, кредиторлар йиғилиши 2017 йил 20 апрелда белгиланганлиги сабабли кузатув таомили муддатини узайтиришни сўраган бўлсада, биринчи инстанция суди кузатув жараёнида ушбу ҳаракатлар амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни талаб қилиб олмаган.

Ваҳоланки, Қонуннинг 75-моддасига кўра, суд кредиторларнинг биринчи йиғилиши қарори асосида, агар ушбу моддада бошқача қоида белгиланган бўлмаса, қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилади ёки суд санациясини ёхуд ташқи бошқарувни жорий этиш ҳақида ажрим чиқаради ёки келишув битимини тасдиқлайди ва банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг «Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида» 2007 йил 15 июндаги 161-сонли қарорининг 1-бандида суд томонидан қабул қилинган қарор моддий ва процессуал қонунчилик нормалари билан тўлиқ мос келиши, иш ҳужжатлари ва суд аниқлаган ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги қайд этилган талабларга риоя этмаслик қарорнинг бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши учун асос бўлиши мумкинлиги, судлар томонидан барча масалаларни ҳал этмайдиган, юзаки, асослантирилмаган қарорларнинг қабул қилиниши мумкин эмаслиги ҳақида тушунтириш берилган.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, агар процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши ёки нотўғри қўлланилиши нотўғри ҳал қилув қарори қабул қилинишига олиб келган бўлса ёки олиб келиши мумкин бўлса, бу ҳол ҳал қилув қарорини бекор қилиш учун асос бўлади.

Суд ҳужжатининг ноқонунийлиги ёки асоссизлиги ҳал қилув қарорини назорат тартибида бекор қилиш учун асос бўлади.

Қайд этилганларга кўра, судлов ҳайъати иш бўйича қабул қилинган 2016 йил 15 сентябрдаги ҳал қилув қарорини бекор қилишни ва ишни янгидан кўриб чиқиш учун биринчи инстанция судига юборишни лозим топади.

Ишни янгидан кўришда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини тўғри қўллаган ҳолда қарздорнинг ҳуқуқий мақомини аниқлаб, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Тошкент вилоят ҳудудий бошқармасидан қарздорни судгача санация қилиш ўтказилиши мақсадга мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги хусусидаги қарорини талаб қилиб олиш чораларини кўриш, ишда иштирок этувчи шахсларни суд мажлиси вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилиб, ишда мавжуд бўлган ва ишда иштирок этувчи шахслар томонидан тақдим этилган қўшимча да-

лилларга ҳуқуқий баҳо берган ҳолда, асослантирилган суд ҳужжати қабул қилиш лозим бўлади.

\* \* \*

### 10-1603/8316-СОНЛИ ИШ

(2017 йил 11 октябрдаги

қарордан кўчирма)

*Ишда иштирок этувчи шахс бўлмиш ташкилот тугатилган бўлса, суд иш юритишни тугатади*

«Abbaz-Berdax» масъулияти чекланган жамияти манфаатида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, «Quince international» хусусий корхонасидан 24 040 000 сўм нуқсонли товар қийматини, 8 173 800 сўм зарар, 1 202 000 сўм жарима, жами 33 415 800 сўм ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2016 йил 11 майдаги ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилиб, «Abbaz-Berdax» масъулияти чекланган жамияти фойдасига «Quince international» хусусий корхонасидан 24 040 000 сўм ундирилган. Даъвонинг қолган қисмини қаноатлантириш рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг 2016 йил 18 августдаги қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Кассация инстанцияси судининг 2016 йил 17 октябрдаги қарори билан суд қарорлари бекор қилиниб, даъвони қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида янги қарор қабул қилинган.

Протестда суд қарорларини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юбориш сўралган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, «Quince international» хусусий корхонаси ва «Abbaz-Berdax» масъулияти чекланган жамияти ўртасида 2015 йил 1 майда 1182-сонли маҳсулот етказиб бериш тўғрисида шартнома тузилган.

Мазкур шартномага асосан хусусий корхона томонидан МЧЖга тегишли юк хатлари орқали жами 34 990 000 сўмлик товарлар (кондиционер, музлатгич ва ҳаказо) етказиб берилган.

Етказиб берилган кондиционерларнинг айримлари ўрнатилгандан сўнг белгиланган тартибда ишламаганлиги сабабли, даъвогар сервис хизматига буюртма берган. Буюртма бўйича кондиционерлар таъмирланмаган.

МЧЖнинг кондиционерларни алмаштириш ёки уларнинг қийматини тўлаш ҳақидаги талаби хусусий корхона томонидан бажарилмаган. Оқибатда томонлар ўртасида низо келиб чиққан. Шунинг учун Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси «Abbaz-Berdax» масъулияти чекланган жамияти манфаатида судга даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Судлов ҳайъати томонидан 2017 йил 4 октябрда ўтказилган суд мажлисида иштирок этган собиқ «Quince international» хусусий корхонаси вакили бугунги кунда хусусий корхона тугатилиб, давлат реестридан чиқарилганлиги ҳақида маълумот берган.

Аниқланишича, суд қарорлари қабул қилинганидан сўнг, яъни 2017 йил 24 июлда «Quince international» хусусий корхонаси тугатилиб, давлат реестридан чиқарилган.

Мазкур ҳолат Тошкент шаҳар адлия бошқармаси ҳузуридаги Шайхонтохур туман тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш «Ягона дарча» марказининг 2017 йил 24 июлдаги 38-сонли хабарномаси, Олий суд номига йўлланган 2017 йил 10 октябрдаги 1286-сонли хати билан тасдиқланади.

Амалдаги қонунчиликка кўра, ишда иштирок этувчи шахс бўлмиш ташкилот тугатилган бўлса, суд иш юритишни тугатади.

Айни пайтда ишда иштирок этувчи ташкилот, яъни «Quince international» хусусий корхонаси тугатилиб, давлат реестридан чиқарилганлиги сабабли протестни кўриб чиқишнинг имконияти мавжуд эмас. Шунинг учун протест бўйича иш юритишни тугатиш лозим бўлади.

\* \* \*

### 6-1924/17-СОНЛИ ИШ

(2017 йил 5 декабрдаги  
ажримдан кўчирма)

*Эр ва хотин уларнинг биргаликдаги умумий мулки бўлган мол-мулкка эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишида тенг ҳуқуқларга эгадир*

Даъвогар — Д.Ҳайитов (матндаги барча исм фамилиялар ўзгартирилган) судга жавобгарлар — Ш.Ҳаққулова ва бошқаларга нисбатан даъво аризаси билан мурожаат қилиб, 16 350 АҚШ долларини ва шу пулни 30 000 000 сўм банк фоизи билан, 60 000 000 сўм маънавий зарарни, 150 000 сўм давлат божини ҳамда ўзларининг пулига Р.Давронова томонидан олинган автомашиналарни ундириб беришни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг ҳал қилув қарорига кўра, Д.Ҳайитовнинг даъво талаблари рад этилган.

Фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди апелляция инстанциясининг ажрими билан ҳал қилув қарори қисман бекор қилиниб, бекор қилинган қисми бўйича янги ҳал қилув қарори қабул қилинган. Унга кўра, даъвогар Д.Ҳайитовнинг фойдасига жавобгарлар — Р.Давронова, Шоҳида ва Шоира Ҳаққуловалар ҳисобидан солидар тартибда 33 027 000 сўм ундириш белгиланган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, даъвогар Д.Ҳайитов билан жавобгар Шоҳида Ҳаққулова 2011 йил 9 декабрда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурган, ўргаларида икки нафар фарзандлари бор.

2012 йил 11 декабрда Д.Ҳайитов билан Ш.Ҳаққулова ишлаш учун

Россия Федерациясига кетишган.

Ш.Ҳаққулова 2015 йил 11 мартда, Д.Ҳайитов эса 2015 йил 7 сентябрда Ўзбекистон Республикасига қайтиб келган.

Иш материалларидаги банклар томонидан берилган маълумотномаларга қараганда, даъвогар Д.Ҳайитов 2014 йил июлдан 2015 йил апрелгача бўлган оралиқда жами 2500 АҚШ долларини, унинг турмуш ўртоғи Шоҳида Ҳаққулова эса 2013 йил февралдан 2014 йил апрелгача бўлган оралиқда жами 6600 АҚШ долларини жавобгар Шоира Ҳаққулованинг номига халқаро пул ўтказмалари орқали жўнатган.

Шунингдек, Шоира Ҳаққулованинг номига 2013 йил 7 ноябрда Н.Каримова томонидан 4500 АҚШ доллари, 2015 йил 8 мартда С.Мирзаев томонидан 1500 АҚШ доллари, 2015 йил 13 апрелда Ж.Рўзиев томонидан 50 АҚШ доллари, 2015 йил 6 июлда Б.Хушвақов томонидан 400 АҚШ доллари ва 2015 йил 27 августда А.Бибиков томонидан 400 АҚШ доллари банкнинг халқаро пул ўтказмалари орқали юборилган.

Даъвогар Д.Ҳайитов турмуш ўртоғи Ш.Ҳаққулова билан бирга Россия Федерациясида ишлаб топган ва қайнопаси Шоира Ҳаққуловага юборилган жами 16.350 АҚШ долларига қайнопаси Р.Давронованинг номига иккита автомашина сотиб олинганлигини, ўзининг ишлаб топган пулларини ва автомашиналарни ололмасдан юрганлигини билдириб, шу пулларни жавобгарлардан банк фоизи билан ундириб беришни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 23-моддасига кўра, эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари, шунингдек никоҳ қайд этилгунга қадар бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклари, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги умумий мулки ҳисобланади. Эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари жумласига (эр ва хотиннинг умумий мол-мулкига) эр ва хотин ҳар бирининг меҳнат фаолиятидан, тadbиркорлик фаолиятидан ва интеллектуал фаолият натижаларидан орттирган даромадлари, улар томонидан олинган пенсиялар, нафақалар, шунингдек махсус мақсадга мўлжалланмаган бошқа пул тўловлари (моддий ёрдам суммаси, майиб бўлиш ёки саломатлигига бошқача зарар етказиш оқибатида меҳнат қобилиятини йўқотганлик муносабати билан етказилган зарарни қоплаш тарзида тўланган суммалар ва бошқалар) киради.

Биринчи инстанция суди ушбу Қонун талабларига асосан ва иш ҳолатларидан келиб чиқиб, даъвогар — Д.Ҳайитов ва жавобгар Шоҳида Ҳаққулованинг меҳнат фаолияти натижасида ишлаб топган даромадлари эр-хотиннинг умумий мулки ҳисобланишини эътироф этган ҳолда бу пуллар уларнинг бири, яъни Шоҳида Ҳаққулова томонидан тасарруф қилинганлигини, бу пулларни унинг онаси Р.Дав-

ронова олганлиги исботланмаганлигини инобатга олиб, даъво ни рад қилиш тўғрисида асосли хулосага келган бўлса-да, апелляция инстанцияси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 234-моддасини нотўғри қўллаб ҳамда Р.Давронова, Шоҳида ва Шоира Ҳаққуловаларни солидар жавобгарликка тортиб, улардан даъвогарнинг фойдасига 16 350 АҚШ долларининг сўмдаги қийматини ундириш ҳақида асоссиз хулосага келган.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 24-моддасига биноан, эр ва хотин уларнинг биргаликдаги умумий мулки бўлган мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишда тенг ҳуқуқларга эгадир. Эр ва хотиндан бирининг умумий мол-мулкни тасарруф этиши билан боғлиқ битим тузилганда бу ҳаракат бошқасининг розилигига кўра амалга оширилаётганлигини англади.

Жавобгар — Шоҳида Ҳаққулова эса, даъвогар — Д.Ҳайитов билан бирга ишлаб топган, умумий мулк ҳисобланган пулларни опаси Шоира Ҳаққуловадан қайтариб олиб, уларни ҳар хил мақсадларда сарфлаган. Даъвогар — Д.Ҳайитов Россия Федерациясидан 2015 йил сентябрь ойида Ўзбекистонга қайтиб келган ва бундан хабардор бўлса-да, оиласида келишмовчиликлар вужудга келмасидан олдин пулларни жавобгарлардан қайтариб олиш масаласида даъво кўзгатмаган. Бундан кўринадики, эр-хотин ўрталарида ўзларининг ишлаб топган даромадларининг сарфланиши масаласида 2017 йилгача низо бўлмаган.

Шу билан бирга, даъвогар — Д.Ҳайитовнинг жавобгар — Р.Давлатованинг номидаги «Нексия» ва «Дамас» русумли автомашиналар турмуш ўртоғи билан бирга Россия Федерациясида ишлаб топган пуллари га сотиб олинганлиги ҳақидаги вазлари ҳам ҳеч бир асосли далил билан исботланмаган.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 57-моддасига кўра, ҳар бир тараф ўзининг талаблари ва эътирозларига асос қилиб кўрсатган ҳолатларни исботлаши шарт.

Бундай ҳолатда жавобгарлар — Р.Давлатова, Шоҳида ва Шоира Ҳаққуловалар билан даъвогар — Д.Ҳайитов ўртасида солидар жавобгарлик асосида бирон-бир мажбурият вужудга келган, деб бўлмайди.

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди апелляция инстанциясининг мазкур фуқаролик иши бўйича чиқарган ажримини бекор қилиб, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиришни лозим деб топади.

\* \* \*



## ТАДҚИҚОТ, ТАҲЛИЛ, ТАКЛИФ

*Биз суд-ҳуқуқ соҳасини тубдан ислоҳ қилишга алоҳида аҳамият бераётганимиз бежиз эмас. Чунки Конституциямизда мустақамланган инсон ҳуқуқларини таъминлаш ушбу ислоҳотларнинг амалий натижаси билан бевосита боғлиқдир.*

Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти

## АДОЛАТДА СОЯ БЎЛМАЙДИ

**ёхуд инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун**

**К**айсики давлатда, жамиятда адолат устувор бўлар экан, у давлат ривожланади, аҳолиси фаровон яшайди ва келажакка нимадир қолдиради. Шу даврда қурилган бинолар юз йиллаб қад ростлаб туради. Кўприклар, йўллардан аҳоли кўп йил фойдаланади. Энг асосийси, ўша даврда қабул қилинган оқилона, одил қонунлар фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари бузилишининг олдини олади. Масалан, буюк бобомиз Амир Темурни олиб кўрайлик: унинг барча саъй-ҳаракатлари замирида адолат, бунёдкорлик ётади. У қурдирган биноларнинг салобати-ю кўркига бутун дунё неча йилки, лол қолиб боқмоқда. Амир Темур «Тузуқлар»идаги қоидалар, панд-насиҳатлар ҳамон қадрини йўқотмаган.

Эътибор берсангиз, Ўзбекистонда ҳам мустақиллик йилларида туб бурилишлар бўлди. Айниқса, кейинги бир йилда шу қадар кўп ижобий ўзгаришлар юз бермоқдаки, бутун дунё бу ҳолга «Ўзбекистон мўъжизаси» сифатида қарамоқда. Қайси соҳани олманг, Президентимиз Шавкат Мирзиёев назаридан четда қолмаяпти: ўзгараяпти, янгиланаяпти, тикланаяпти...

Шу ўринда биз ўз соҳамиз — суд-ҳуқуқ ислоҳотларига кенгроқ тўхталсак. Кейинги пайтдаги суд-ҳуқуқ соҳасида туб бурилиш ясаган ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 21 октябрдаги

Фармони бўлди.

Ушбу Фармонни қабул қилишдан мақсад суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, аҳолининг одил судловга бўлган ишончини ошириш, қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда қонунийликни мустаҳкамлашдир. Фармон билан фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини ошириш учун кўйидагилар: суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш; фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш; одил судловга эришиш даражасини ошириш суд-ҳуқуқ соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишлари қилиб белгиланди.

Фармонга мувофиқ, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, юқори малакали кадрларни кўпайтириш ва шакллантириш мақсадида судьялик лавозимига биринчи марта беш йил муддатга ва кейин ўн йил муддатга, шундан сўнг муддатсиз тайинлаш (сайлаш) тартиби жорий этилди.

Фармон билан 2017 йилнинг 1 апрелидан жиноят, жиноят-процессуал, фуқаролик процессуал ва бошқа қонун ҳужжатларига инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигини таъминлайдиган, яъни жазонинг адолатлилигини оширишга қаратилган бир қатор ўзгаришлар киритилди.

Жумладан, қамоқ тарзидаги жиноий жазо тури тугатилиб, унинг ўрнига озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазонинг муқобил турларини қўллаш имконияти кенгайтирилди. Жиноят содир этишда гумон қилинган шахсларни ушлаб туриш муддати 72 соатдан 48 соатга, қамоққа олиш ва уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораларини қўллашнинг, шунингдек жиноят ишлари бўйича дастлабки терговнинг энг кўп муддатлари 1 йилдан 7 ойга қисқартирилди.

Бу фуқароларнинг эркинлигини асоссиз чеклаш ҳолатларидан ҳимоя қилади ва ўз навбатида, суриштирув ва тергов органларининг масъулиятини оширади.

Шунингдек, суд томонидан жиноят ишини кўшимча терговга қайтаришнинг бекор қилиниши, фуқаролик иши бўйича суд қарорини назорат тартибида қайта кўриб чиқиш муддатининг 3 йилдан 1 йилга қисқартирилиши фуқаролик суд ишларини юритиш иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга хизмат қилади. Суд қарорларининг қонунийлиги ва асослилигини қайта кўриб чиқиш тизимини такомиллаштириш, томонлар оворагарчилигининг олдини олиш мақсадида вилоят даражасидаги судлар томонидан фуқаролик ва жиноят ишларини назорат тартибида қайта кўриш



бўйича бир-бирини такрорловчи инстанциялар тугатилиб, тегишли суд раислари ва прокурорларнинг назорат тартибида протест келтириш ваколати бекор қилинди.

Фармоннинг яна бир аҳамиятли томони адлия органларининг умумий юрисдикция судлари фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш бўйича вазифа ва ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Олий судига ўтказилганидир. Бу судларнинг фаолиятига аралашмасликнинг қўшимча кафолатларини яратди.

2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг «Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш» деб номланган II бўлимида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, суд ишларини юритишнинг самарадорлигини ошириш, судьялик лавозимига тайинлаш тизимини янада такомиллаштириш суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг энг муҳим йўналишлари сифатида таъкидланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 21 февралдаги Фармони Ҳаракатлар стратегиясида қайд қилинган вазифаларни амалга оширишнинг асоси сифатида қабул қилинди. Бу суд-ҳуқуқ соҳасида катта ўзгариш ясалишига туртки бўлди.

Фармонга мувофиқ, номзодларни танлаш ва судьялик лавозимига тайинлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, юқори малакали кадрларни шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ташкил этилди.

Судьялар олий кенгашига судьялик лавозимларига кадрларни малакали мутахассислар орасидан ошкоралик асосида танлаш, судьялар дахлсизлиги ва уларнинг фаолиятига аралашиларнинг олдини олиш бўйича чоралар қўриш, номзодлар ва судьяларнинг касбий тайёргарлигини ташкил этиш, аҳоли билан мулоқотни йўлга қўйиш вазифалари юклатилди.

Суд амалиётини тизимли таҳлил қилиб бориш, уни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш учун Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Одил судлов муаммоларини ўрганиш тадқиқот маркази иш олиб борадиган бўлди.

Фармондан келиб чиқиб амалга оширилган яна бир янгилик Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик судининг фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий суд иш юри-

туви соҳасида суд ҳокимиятининг ягона олий органи — Ўзбекистон Республикаси Олий судига бирлаштирилиши бўлди.

Илк маротаба давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан фуқароларнинг судга шикоят қилиш ҳуқуқини таъминлашга хизмат қиладиган Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари, туман (шаҳар) маъмурий судлари ташкил этилди.

Бугунги кун талабидан келиб чиқиб, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Фармон билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари ўзгартирилиб, эндиликда улар иқтисодий судлар сифатида иш юрита бошлади. Юртимизда тадбиркорлик субъектларининг ортиб боришини ҳисобга олган ҳолда туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судлари ташкил этилди.

Ташкил этилган маъмурий ва иқтисодий судлар узоқ ҳудудларда истиқомат қиладиган фуқароларнинг, шу жумладан тадбиркорларнинг суд ҳимоясига эришиш даражасини оширади, уларнинг мушкулени осон қилади, маблағи, айниқса, вақтини тежайди.

Суд ҳокимиятининг мустақиллиги принципига риоя этиш мақсадида Фармон билан Олий суд ҳузурида Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ташкил этилди ва унга судларни моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш, судлар фаолияти учун зарур меҳнат шароитларини яратиш, судьялар ва суд аппарати ходимларини моддий ва ижтимоий таъминлашни ташкил этиш вазифаси юклатилди.

2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, 2018 йилда бир нечта қонун лойиҳалари ишлаб чиқилиши назарда тутилмоқда. Булар:

судьялар мустақиллигини таъминлаш мақсадида судьялар мақомининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

терговга қадар текширув, суриштирув ва терговнинг ҳар томонлама ҳамда холисона юритилиши, муайян ишлар юзасидан қарорлар қабул қилишда судьянинг чинакам мустақиллигини таъминлашга қаратилган қўшимча ҳуқуқий чоралар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқ ва эркин-

ликларини ҳимоя қилиш тизимининг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш;

ривожланган давлатларнинг илғор тажрибасига асосланган ҳолда «Хабеас корпус» институтини янада кенгайтириш доирасида суриштирув ва дастлабки тергов устидан суд назоратини кучайтириш;

фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, энг аввало, жиноий тажовузлардан ҳимоя қилишнинг ишончли кафолатларини таъминлаш, шунингдек уларнинг шаъни ва қадр-қиммати камситилишига йўл қўймаслик;

фуқароларнинг қийноққа солиниши ёки бошқача тарздаги қадр-қимматини камситувчи тазйиқлардан ҳимояланиш кафолатларини янада кучайтириш;

суд-тергов жараёнларининг шаффофлигини ошириш, тарафларнинг ўзаро тортишуви тамойилини мустаҳкамлаш, жиноят ишларини юритишда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид илғор халқаро стандартларни жорий этиш билан боғлиқ қонунлар лойиҳаларидир.

Шунингдек, 2018 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг суд тизими ходимларини тайёрлаш, малакасини оширишга хизмат қиладиган ихтисослаштирилган ўқув муассасасини ташкил қилиш; жиноят ишини кўриб чиқишнинг тезкорлиги ва самарадорлигини янада ошириш, процессуал ҳужжатларни расмийлаштиришни соддалаштиришга қаратилган чора-тадбирларни кўриш тўғрисидаги қарорлари, судлар фаолияти самарадорлигини янада ошириш мақсадида уларнинг тузилмасини ҳозирги замон талаблари асосида янада такомиллаштириш тўғрисидаги фармони қабул қилиниши ҳам кутилмоқда.

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли суд-ҳуқуқ ислохотларининг навбатдаги босқичи сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2017 йил 20–21 декабрь кунлари бўлиб ўтган ўн учинчи ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Фуқаролик процессуал кодекси, Иқтисодий процессуал кодекси, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекслари маъқулланди.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2018 йил 9 январдаги Қонуни билан тегишли қонун ҳужжатларига ҳам ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

2017 йил 13 июнда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев билан судьяларнинг илк бор тарихий учрашуви бўлиб ўтди. Унда суд-ҳуқуқ соҳасининг шу давргача бўлган фаолиятига кескин ва холи-

сона баҳо берилди. Эскича қарашлар ва эскича иш услубидан буткул воз кечиш лозимлиги, инсон тақдирини, унинг ҳаёти-ю келажагини юракдан ҳис этиб, хулоса қилиш зарурлиги таъкидланди. Бу тарихий учрашув ҳар бир судьянинг қалбида, шуuriда янгилашни олиб келди. Улар ўз фаолиятига танқидий кўз билан қараб, бугунги замон талабини ҳис қилсагина, Президентимизнинг ўта куюнчақлик билан гапириб, белгилаб берган вазифаларини адо этсагина, тўлақонли кадр бўлишларини англаб етишди.

Бунинг исботи сифатида «Ўзбекистон Республикаси судьяларининг Ўзбекистон халқига мурожаати» қабул қилинди.

Унда, масалан қуйидаги жумлалар акс этган: «Фаолиятимизни яна бир бор қайтадан танқидий таҳлил қилиб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ишончли ҳимоясини таъминлаймиз, одил судловни амалга оширишдаги ғов-тўсиқларни тагтомири билан бартараф этамиз, судни том маънода «Адолат кўргони»га айлантиришда бор билим ва тажрибамизни сафарбар этамиз. Судга борган ҳар бир фуқаро фақат адолат топишига кафолат берамиз.

Судда ишларни судьялик бурчимиз ва виждонимиз буюрганидек беғараз, холис ва адолатли ҳолда кўрамиз, энг асосийси, қабул қилган ҳар бир қароримиз қонуний, асосли, одиллик ва инсонпарварлик тамойилларига таянган бўлиши учун барча масъулиятни ўз зиммамизга оламиз.»

Президентимизнинг «Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 30 ноябрдаги Фармони ҳам айнан фуқароларнинг конституциявий ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Қолаверса, Ўзбекистон инсон ҳуқуқларини таъминлашга оид 70 дан ортиқ халқаро шартномаларга қўшилган.

Дарҳақиқат, давлатимиз томонидан олиб борилаётган ислохотларнинг асосини қонун устуворлиги, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, адолатпарварлик, инсонпарварлик ташкил қилади. Хўш, бу нимада намоён бўлмоқда? Бу, масалан, ўтган беш йилда бор-йўғи 7 нафар шахс оқланган бўлса, 2017 йилда бир неча баробар кўп, яъни 262 нафар шахс оқланганида, 4389 нафар шахс суд залидан, 18655 нафар шахс муддатидан илгари жазодан озод қилинганида акс этмоқда. Ёки мамлакатимизда Президентимиз томонидан илк бора 2700 кишининг афв этилиши ҳам ислохотларнинг, бағрикенгликнинг яққол натижасидир. Шунингдек, ўтган йилда маҳалла фуқаролари йиғинлари кафиллиги асосида 267 нафар, хотин-қизлар кўмиталари кафиллиги

асосида 4 нафар, Ёшлар иттифоқи кафиллиги асосида 64 нафар, жами 181 нафар судланувчига нисбатан жазо тайинлашда жамоатчиликнинг кафиллиги эътиборга олинди. Ўтган йилда жиноятчиликнинг олдини олиш, фуқароларнинг ҳуқуқий билимини ошириш мақсадида 34,5 фоиз иш сайёр судларда кўрилди.

Бу масаланинг бир томони. Иккинчи томони эса, жазони ўтаб қайтиб келган, афв этилганларни тўлақонли ҳаётга қайтариш, уларнинг оила тебратишлари учун иш билан таъминлашдир. Энди улар билан кимлар, қандай ишлаши керак? Тўғри, маҳалла, профилактика инспекторлари, хотин-қизлар кўмиталари бу иш билан шуғулланишмоқда. Аммо, бу етарли эмас. Шу ўринда диний идора вакилларининг, айниқса, кўни-кўшниларнинг кўмаги жуда зарурдир. Кўчага чиқишга юзи бўлмаётган афв этилган шахсни иккита кўшни маҳалладаги тўйга қўймай бирга етаклаб борса, шу ерлик тадбиркор унга ён босиб, ишга олса, бундан аълоси борми! Диний идора вакиллари фақат тадбирларда эмас, уйма-уй юриб, айниқса, нотинч оилаларга бориб маърифий-диний суҳбатлар ўтказса, савоб-гуноҳни тушунтирса, ака-укага, қайнона-келинга меҳр-оқибатли бўлишни аңлатса, билиб-билмай, гоҳо жоҳиллик билан қилинаётган жиноятларнинг олди олинадир. Бир кишининг жиноятини кўриб юз киши афсус қилгандан кўра, кўриб-кўрмасликка олиб юрган икки киши шу жиноятнинг олдини олгани яхши эмасми?

Ҳозирги кунда қилинган энг муҳим ишлардан яна бири ахборот-коммуникация технологияларини судлар фаолиятига кириб келганидир. Видеоконференцалоқа тизимининг ишга туширилгани сабабли томонларнинг маблағи ва энг қимматли бўлган вақти тежалмоқда. Ўз навбатида, бу ҳол судьяларни ишни кўриш жараёнида янада маданиятли ва эътиборли бўлишга ундамоқда. Суд ҳамда судьяга нисбатан томонларнинг ишончини оширмоқда. 2018 йил январь ойидан бошлаб судлар тизимида ягона база ишга туширилди. Бу орқали республика бўйича ҳар бир иш суд раҳбариятининг назоратида бўлиб, ўз вақтида, адолатли тарзда ёндашилган ҳолда, сансалорлик, беътиборлик қилмай ҳал этилишига замин яратилди.

Бугунги долзарб вазифалардан бири халқ билан юзма-юз, яқиндан мулоқот қилишдир. Ўтган 2017 йилнинг «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб номлангани ҳам бежиз эмас. Олий суд раҳбарияти ва судьялар томонидан жойларда аҳоли билан учрашувлар ўтказилиб, уларнинг дардини тинглаб, муаммоларни ҳал қилишга ҳаракат қилинди. Уларга ҳақ-ҳуқуқлари тушунтирилди. Айрим сабабларга кўра чўзилиб келаётган иш-

ларга нуқта қўйилди. Оқибатда бу ўзаро ишончининг, энг муҳими, судга ишончининг мустаҳкамланишига сабаб бўлди. Масалан, Олий суд раҳбарияти ва судьялар томонидан 2017 йилнинг сўнгги 7 ойида ҳудудларда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга қарши кураш ҳамда адолатли жамият қуришда фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича фуқаролар билан ўтказилган сайёр қабуллар пайтида 7537 нафар фуқаролар иштирок этди. Улардан 4426 та мурожаат ва шикоятлар келиб тушди. Жами билдирилган 4426 та мурожаатларнинг 1713 таси ўрганиб чиқилиб, ҳал этиш учун қабул қилинган. Қолган 2713 та мурожаатлар эса жойида ҳал этилиб, тегишли тушунтиришлар берилди. Таҳлилларга кўра қабул қилинган 1713 та мурожаатларнинг 834 тасини жиноят ишлари бўйича, 689 тасини фуқаролик ишлари бўйича, 108 тасини маъмурий ишлар бўйича ва 82 тасини иқтисодий ишлар бўйича шикоятлар ташкил этди.

Келгусида ҳам аҳоли билан мулоқот, сайёр қабуллар мунтазам давом эттирилади. Бу халқ билан яқин бўлишнинг, кишиларни қийнаётган муаммоларни ечишнинг энг мақбул йўлидир. Мурожаат қилаётган ҳар бир фуқарони кўз билан кўриб, дардини қулоқ билан эшитиб, муаммосини юракдан ҳис қилсақкина, унинг масаласига тўғри ечим топамиз. Қоғоз бошқа-ю, тирик шахс бошқа! Зеро, давлат раҳбаримизнинг қатъий талаби ҳам шу-да!

Қолаверса, 2017 йилнинг мантиқий давоми сифатида 2018 йилнинг «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» деб номланишида ҳам катта маъно бор. Биз, Президентимиз таъкидлаб айтганидек, тадбиркорликни янада ривожлантирмай, илғор ғояларни қўлламай, замонавий технологияларни ишлаб чиқаришга киритмай туриб, тезкор ривожланиш даврида мамлакатимизнинг раванқига эришолмаймиз.

Хулоса қилиб айтганда, адолат қандай кўринишда бўлмасин, унда соя бўлмайди! Агарда унда озроқ доғ бор экан, бу унга зиён етганини, дарз кетганини билдиради. Истаймизки, доимо адолат шаффоф бўлсин, бутун бўлсин. Адолат бутун бўлса, инсон кўнгли ҳеч қачон ўксимайди. Адолатнинг бутун бўлиши эса, барчамизга боғлиқ!

**Козимжон КАМИЛОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий суди раиси**

# ИСЛОМ КАРИМОВ – КОНСТИТУЦИЯМИЗ АСОСЧИСИ

*Ўзбекистон Республикасининг  
Биринчи Президенти Ислом Каримов  
таваллудининг 80 йиллигига бағишланади*

**Я**қинда мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётидаги улуғ сана — мустақилликнинг мустаҳкам пойдевори бўлган Конституциямизнинг 25 йиллиги нишонланди.

Шу ўринда «**Конституция**» лотинча «Constitutio» сўздан олинган бўлиб, «**тузилиш**», «**ўрнатиш**», деган маъноларни билдиришини таъкидлаш жоиздир. Конституция алоҳида юридик хусусиятларга эга бўлган ягона сиёсий-ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, унда шахс, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларнинг асосий принциплари ўрнатилади; давлат ҳокимиятининг тузилиши, субъектлари, ҳокимиятни амалга ошириш механизми белгиланади; жамият, инсон ва фуқаронинг давлат томонидан қўриқланадиган ҳуқуқлари ва эркинликлари мустаҳкамланади.

Табиийки, ҳар қандай давлатнинг юзи, обрў-эътибори унинг Конституцияси ҳисобланади. Зотан, Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Қомусномадир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистоннинг янги Конституцияси яратиш ғояси мустақиллик остонасида янграганлиги ва 1990 йил 20 июнда қабул қилинган Мустақиллик декларацияси билан бевосита боғлиқлиги бежиз эмас. Мазкур Декларацияни қабул қилган Олий Кенгашнинг иккинчи сессияси ушбу ҳужжатдаги принциплар асосида давлатнинг янги Конституцияси ишлаб чиқиши лозим, деган хулосага келди. Сессия И.А.Каримов раислигида 64 кишидан иборат Конституциявий комиссияни тузиш тўғрисида қарор қабул қилди. Унинг таркибига депутатлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг вакиллари, давлат ҳамда жамоат ташкилотлари, корхоналар ва хўжаликларнинг раҳбарлари, таниқли ҳуқуқшунос олимлар ва мутахассислар кирди. Олий Кенгашнинг X сессиясида комиссия таркиби қисман янгиланди.

1991 йил 12 апрелда мазкур комиссиянинг биринчи мажлиси бўлиб ўтди, унда комиссия аъзолари ҳамда етакчи мутахассислар ва олимлардан иборат 32 кишилик ишчи гуруҳи тузилди. Шунингдек, Конституция лойиҳасининг мўлжалланаётган бўлимларини тайёрлаш учун 6 та кичик гуруҳлар тузилди. Ушбу гуруҳлар тарки-

бига 50 нафар илмий ходимлар ва мутахассислар жалб қилинди.

Конституциявий комиссиянинг раиси ишчи гуруҳлар олдига жаҳон тажрибасини ўрганиш, бошқа мамлакатларнинг инсон ҳуқуқлари борасида, демократия ва қонунчилик соҳасида қўлга киритган ютуқларини ҳисобга олиш ва миллионлаб инсонларга яқин ҳамда тушунарли сиёсий ва юридик ҳужжат яратиш каби вазифаларни қўйди.

Конституция — бу маҳобатли асар, бутун қонунчиликнинг умуртқа поғонаси. Шунинг учун ҳам Конституциявий комиссия раисининг топшириғига мувофиқ, энг аввало, Конституциянинг концепциясини ишлаб чиқишга киришилди ва учта муқобил концепция яратилди: 1) Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг концепцияси (у Фанлар академияси Раёсати томонидан муҳокама қилинган ва тасдиқланган); 2) Сиёсатшунослик ва бошқарув институтининг концепцияси; 3) Президент девони юридик бўлими тайёрлаган концепция. Ишчи гуруҳ мажлисида учинчи концепция асос учун қабул қилинди ва қолган икки концепциянинг диққатга сазовор ғоялари билан бойитилиб, умумлашган пухта, ягона ғоявий асос шаклига келтирилди. Конституциявий комиссия ва унинг раиси томонидан маъқулланган ана шу концепция асосида бўлажак Конституция лойиҳасини яратишга киришилди.

1991 йил ноябрь ойида лойиҳанинг 158 моддадан иборат дастлабки варианты тайёрланди, 1992 йил баҳорда 149 моддадан иборат иккинчи вариант тайёр бўлди. Учинчи вариант 137 та моддани ўз ичига олди. Лойиҳани кенг халқ оммаси муҳокамаси учун матбуотда эълон қилишдан аввал Конституциявий комиссия ва унинг раиси ҳужжатни яна бир бор ўрганиб чиқди ва лойиҳа 127 моддага келтирилди.

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти, Конституциявий комиссия раиси томонидан ҳар сафар лойиҳа матнлари синчиклаб кўриб чиқилгач, учинчи вариантга 63 та, тўртинчи вариантга 77 та принципиал ўзгартириш ва муҳим қўшимчалар киритилди. Натижада Конституция лойиҳаси мукаммаллашиб, аниқ, лўнда ва ифодали бўла борди. Масалан, Конституциянинг муқаддимаси *«халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда»*, деган сўзлар билан тўлдирилди.

Лойиҳанинг 1-моддасига «Ўзбекистон — демократик республика» жумласига Биринчи Президент *«суверен»*, деган сўзни қўшиб қўйди.

4-моддадаги бир хатбошида «Унинг ҳудудида яшайдиган барча миллатлар ва элатлар тилларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш таъминланади, тилларни ривожлантириш учун шароит яратилади», дейилган эди. И.А.Каримов бу хатбошининг ўрнига ўз қўли билан *«Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари*



*ва анъаналари хурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади*», деб ёзиб қўйди. Конституциявий комиссия аъзоларидан бири «уларнинг ривожланиши учун шароит яратади» деган жумла Конституцияга киритилмагани маъқул эмасмикан, чунки республикада бунга имконият бўлмаслиги мумкин, деган фикрни билдирди. Конституциявий комиссия раиси қатъий қилиб ушбу қоида Конституцияда қолдирилиши кераклигини айтди. Миллатнинг куч-қудрати республикада истиқомат қилаётган миллатларга самимий муносабатдадир, деди у. Республикада яшаётган миллатлар ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналарини суриб чиқариш учун кўп ақлнинг кераги йўқ, уларнинг ривожланиши учун шароит яратиш эса саъй-ҳаракатни талаб қилади ва имконият борича бу иш билан шуғулланмоқ керак. Кейинчалик И.А.Каримов бу борада шундай дейди: «Ўз кучи ва келажагига ишонган халқнинг бағри кенг бўлади. Худога минг қатла шукурки, ўзбекларимизнинг бошқа халқларга муносабати ижобийдир, юртимизда яшаётган бошқа халқ вакилларига одилона қараш, уларга меҳрибонлик қилиш биз учун маънавий бурчга айланган».

Биринчи Президентимизнинг Конституция лойиҳасига киритган айрим тузатишлари кимгадир шунчаки оддий таҳрир бўлиб кўриниши эҳтимол, лекин аслида улар принципиал муҳим аҳамиятга эга. Масалан, 7-моддада «Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти Конституция ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади», деган жумла мавжуд эди. Ислом Абдуганиевич уни «Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти **халқ манфаатларини кўзлаб ва ...**», деган сўзлар билан тўлдирди. Бундай қўшимчадан кейин мазкур норма нақадар кучли оҳанг касб этганлиги яққол сезилади.

17-модданинг иккинчи хатбошида «Республика бошқа давлатлар билан ҳамкорликда умумий фаровонлик ва хавфсизликни, ўзининг суверен ваколатларини таъминлаш мақсадида ўзаро ҳамкорликда амалга ошириш шартларига келишган ҳолда иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши, шунингдек иттифоқлардан, ҳамдўстликлардан ва бошқа давлатлараро тузилмалардан чиқиши мумкин», деб ёзилган эди. Президент ушбу хатбошини «**давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари**», деган сўзлар билан тўлдирди, таҳрирдан кейин хатбоши қуйидаги ҳолга келди: «**Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин**».

И.А.Каримов таклифи билан 26-моддага айбсизлик презумпцияси тамойилига асосан **«шахс айби аниқланмагунча айбдор ҳисобланмайди»**, 27-моддага **«Ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмас»**, деган қоидалар киритилди.

И.А.Каримов томонидан виждон эркинлиги масаласига жуда катта эътибор берилди. Лойиҳада бу ҳақдаги **«Ҳар бир киши виждон эркинлиги ҳуқуқига эгадир, ҳар ким хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч бир динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига, диний ва атеистик эътиқодга эга бўлиши ва бундай эътиқодни тарқатиш ҳуқуқига эгадир»**, деб ёзилган жумлани Биринчи Президентимиз тузатиб, **«Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди»**, деб таърифлайди.

И.А.Каримов олий қонун чиқарувчи органнинг номини Олий Мажлис, жойлардаги бошқарув раҳбарларини ҳокимлар, арбитраж судини хўжалик суди деб номлашни таклиф қилди.

Юқорида келтирилган мисолларга асосланиб, ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, Биринчи Президентимиз И.А.Каримов Конституциянинг ҳар бир моддасини чуқур асослаш ва такомиллаштиришга бевосита бош-қош бўлган.

Шунинг учун ҳам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев **«Ислому Каримовни ҳақли равишда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муаллифи»**, деб эътироф этиш учун барча асосларга эгамиз», деб таъкидлайди.

1992 йил 8 сентябрда Конституциявий комиссиянинг мажлиси бўлиб ўтди ва Конституция лойиҳасини умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилишга қарор қилинди. Лойиҳани матбуотда эълон қилишга тайёрлаш жараёнида ҳам И.А.Каримов кўлига қалам олиб, уни тўрт бора ўқиб чиқди. 1992 йил 26 сентябрда лойиҳа матбуотда эълон қилинди. Тушган таклифлар асосида қайта кўриб чиқилган лойиҳа 1992 йил 21 ноябрда иккинчи маротаба матбуотда эълон қилинди. Умумхалқ муҳокамасида 6 мингдан зиёд таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Биринчи Президентимиз томонидан лойиҳа фуқароларнинг аниқ фикрлари ва таклиф-мулоҳазалари ўрганилган ҳолда яна икки маротаба, сессия арафасида яна бир бор кўриб чиқилди. Шундай қилиб, халқимиз ибораси билан айтганда, Биринчи Президентимиз томонидан «етти марта ўлчаб кўрилган» лойиҳа энди «бир марта кесиш» учун парламент ҳукмига ҳавола қилинди.

Умумхалқ муҳокамаси давомида тушган таклиф ва фикр-мулоҳазаларга асосан лойиҳанинг 60 та моддасига тузатиш ва аниқ-

ликлар киритилди, дастлабки вариантдан 4 та модда чиқарилиб, матнга бир қанча янги моддалар киритилди.

Шундай қилиб, Конституция лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси Ўзбекистон халқининг иродасини бевосита аниқлаш, шунингдек муҳокама давомида тўпланган бой материални ҳар томонлама чуқур ўрганиб, умумлаштириб, давлатнинг умумий иродаси тарзида Асосий Қонунда ифодалаш имконини берди. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Конституцияни ҳақли равишда «халқчил қомус» деб атади. «Унинг лойиҳаси устида, — деди у, — тахминан икки йил давомида ишладик. У икки ярим ой мобайнида умумхалқ муҳокамасидан ўтди, халқнинг фикр хазинаси дурдоналари билан бойитилди, сайқал топди».

1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 12-чақириқ XI сессиясида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди. У олий даражадаги қонун сифатида давлатимиз қиёфасини, унинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий тузумини, бошқарувнинг демократик принципларини, жамият ривожланишининг стратегик йўналишларини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланганлигини ҳамда маънавий қадриятларимиз асосларини мустаҳкамлади. «Конституция ўзининг туб моҳияти, фалсафаси, гоёсига кўра янги ҳужжатдир, — деб баҳо берди мамлакатимиз Биринчи Президенти И.А.Каримов, — унда коммунистик мафкура, синфийлик, партизвийликдан асар ҳам йўқ».

Шунингдек, Конституциямиз ўзида буюк Амир Темур ва теурийлар замонида шаклланган миллий тафаккурни, муқаддас ислоний қадриятларни акс эттиради. Шу кўҳна замин одамлари кўнглида устувор бўлган адолат, ҳақиқат, иймон, олижаноблик, бағрикенглик, мардлик, тантилик каби улуг хислатлар бу муборак ҳужжатдан муносиб ўрин олган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишнинг чинакам ҳуқуқий пойдевори бўлиб, унда ҳуқуқий давлатнинг асосий белгилари, жумладан Конституция ва қонун устунлиги, ижтимоий адолат принциплари мустаҳкамланган. Шу ўринда улуг бобокалонимиз Амир Темурнинг «Қаерда қонун ҳукмронлик қилса, шу ерда эркинлик бўлади», деган сўзлари ёдга тушади.

Конституциямиз сиёсий ҳамда ҳуқуқий эркинликнинг буюк тимсоли сифатида халқимиз қалбидан мустаҳкам ўрин олди, мамлакатнинг ҳар бир фуқароси эъзозловчи мўътабар ижтимоий қадриятга, олий маънавий неъматга айланди. Унинг беқиёс қадрқиммати ва нуфузи, ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти йиллар ўтгани сайин тобора ортиб бормоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда Конституцияга зудлик билан ўзгартиришлар киритиш ёки уни қайтадан кўриб чиқишни талаб қиладиган қандайдир шошилиш ҳолат ёки вазият юз бергани йўқ.

«Табиийки, ҳаёт бир жойда тўхтаб турмайди, у доимо ҳаракатда ва ўзгаришда. Шундай экан, юртимизни ҳар томонлама ривожлантиришнинг ҳар бир босқичида янги-янги муаммолар пайдо бўлади ва уларни ҳал этиш бўйича замон бизнинг олдимизга янги-янги вазифаларни қўяди. Шу маънода, бугун эзгу мақсадимиз — мамлакат тараққиёти ва фаровонликка эришишининг ягона йўли — бу фақатгина изланиш, янгиланиш ва ислоҳотлар йўлидаги олға интилишдир», деб таъкидлайди И. А. Каримов.

Бу борада биз эришган натижалар давлатимизни янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган бутун бир тизимнинг дастлабки босқичи, холос. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришларнинг кўлами кенгайиб, суръати жадаллашиб боргани сайин, бу жараёнларнинг изчиллиги ва давомийлигини сақлаган ҳолда, жамиятни янада эркинлаштириш ва демократиялаш зарурати тобора аниқроқ намоён бўлмоқда. Шунинг учун «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ ҳолда 2002 йил 27 январь куни икки палатали парламент тўғрисидаги муҳим масала бўйича референдум ўтказилди.

Демократик ва бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш йўлини тасдиқлаган умумхалқ овоз бериши (референдум) натижаларидан келиб чиқадиган асосий янги қоидаларга мувофиқ 2002 йил 4 апрелда «Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида», 2002 йил 12 декабрда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Конституциявий қонунлар қабул қилинди ҳамда улар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига тегишли ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш учун асос бўлди.

**2003 йил 24 апрелда** қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ Конституциянинг асосан бешинчи бўлими XVIII—XX, XXIII бобларидаги моддалари, яъни Олий Мажлис, унинг қўйи ва юқори палаталарининг мақоми ва ваколатларини, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг ваколатларини, шунингдек сайлов тизими асосларини белгилаб берувчи нормаларига Асосий қонунимизнинг мазмун ва моҳияти, мақсад ва вазифаларига дахл қилмаган ҳолда тuzатишлар киритилди.

Давлат бошқарувини янада демократлаштириш, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи тармоқлари, ҳукумат ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ўз зиммасига Конституция билан юклатилган ваколатларни амалга оширишдаги роли ва масъулиятини ошириш, мамлакат Президенти вазифаларини аниқ-равшан белгилаш ҳамда ҳуқуқий меъёрлар доирасида чеклаш, шунингдек юқорида кўрсатиб ўтилган ислохотларни амалга оширишда, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилишда сиёсий партияларнинг роли ҳамда таъсирини кучайтириш мақсадида **2007 йил 11 апрелда** қабул қилинган Қонун билан Конституциянинг 89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига тузатишлар киритилди.

**2008 йил 25 декабрдаги** Ўзбекистон Республикасининг «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуни билан Конституция 77-моддасининг биринчи қисмига ўзгартиш киритилди ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутатлар сони бир юз эллик кишидан иборат қилиб белгиланди.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, давлат ҳокимиятининг учта субъекти: давлат бошлиғи — Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлаш, шунингдек социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотларни амалга оширишда, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилишда сиёсий партияларнинг роли ҳамда таъсирини кучайтириш мақсадида **2011 йил 18 апрелда** «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги Қонун қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг **2011 йил 12 декабрдаги** Қонуни билан Конституциянинг 90-моддасига давлат бошқарувининг демократик принципларини, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ўзгаришларни амалга оширишда Олий Мажлиснинг роли ва аҳамиятини мустаҳкамлаш борасида мамлакатимизда кечаётган жараёнларни, шунингдек ривожланган демократик мамлакатларнинг кўпчилигида қабул қилинган давлат қурилиши амалиётини ҳисобга олган ҳолда Президентнинг ваколат муддатини етти йилдан беш йилга қисқартириш тўғрисида тузатиш киритилди.

Конституциянинг 32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига ҳокимият ва бошқарув тизимини янада демократлаштириш, «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» принципи босқичма-босқич амалга оширилишини таъминлаш, Олий Мажлис палаталарининг давлат ҳокимияти органлари тизимидаги ролини, ички ва ташқи сиёсатнинг стратегик вазифаларини амалга оширишдаги ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда ижро этувчи органлар фаолияти устидан қонун чиқарувчи олий органнинг, ҳокимият вакиллик органларининг назорат функцияларини кучайтириш, шунингдек ҳукуматнинг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифаларини рўёбга чиқариш борасидаги масъулиятини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг **2014 йил 16 апрелдаги** Қонуни билан ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Хусусан, Конституциянинг 32-моддаси қуйидаги таҳрирда баён қилинди: «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш, **шунингдек давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш** йўли билан амалга оширилади.

Давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш тартиби қонун билан белгиланади».

Ўзбекистон Республикасининг **2017 йил 6 апрелдаги** Қонуни билан суд тизимини такомиллаштириш ва унинг фаолияти самарадорлигини ошириш, судьялар корпусини янада мустаҳкамлаш ва суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш мақсадида Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий судини ва Олий ҳўжалик судини бирлаштириш, Судьялар олий кенгаши, маъмурий ҳамда иқтисодий судларни ташкил этиш ва уларнинг фаолиятига оид нормалар белгиланди.

Мамлакатимизда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг мустақиллигини мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг **2017 йил 31 майдаги** Қонуни билан Конституциянинг 80, 93, 108 ва 109-моддаларига ўзгартишлар киритилди.

Хусусан, Конституциявий суднинг ваколат доираси кенгайтирилди, жумладан унга қуйидаги вазифалар юклатилди:

Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан имзолангунига қадар Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларини ратификация қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлигини аниқлаш;

конституциявий судлов ишларини юритиш амалиётини умумлаштириш натижалари юзасидан ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ва Ўзбекистон Республикаси Президентига мамлакатдаги конституциявий қонунийликнинг ҳолати тўғрисида ахборот тақдим этиш.

Шунингдек, Конституциявий суд ўз таркибидан Конституциявий суднинг раисини ва унинг ўринбосарини мустақил сайлаши тўғрисидаги норма киритилди.

Ўзбекистон Республикасининг **2017 йил 29 августдаги** «Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонуни билан давлат ҳокимиятининг демократик асосларини, вакиллик органларининг ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ўзгаришларни амалга оширишдаги роли ва аҳамиятини янада мустаҳкамлаш, шунингдек маҳаллий Кенгашларга сайловни сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига, сайловчиларнинг хоҳиш-иродасига тўла мувофиқ ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормаларини инобатга олган ҳолда ўтказиш мақсадида Конституциянинг 99 ва 102-моддаларига тегишли ўзгаришлар киритилди.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси халқимизнинг донишмандлиги ва юксак тафаккурининг маҳсули бўлиб, унинг барча қоидалари, бутун ички салоҳияти ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишга ва шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини юксак даражада таъминлашга йўналтирилган, у тенглик, эркинлик, биродарлик, халқлар ва миллатлараро дўстлик, мамлакат ва дунё барқарорлиги каби энг улуғ умуминсоний ғояларга хизмат қилади.

**Ф. ОТАХОНОВ,**  
Ўзбекистон Савдо-саноат  
палатаси ҳузуридаги Халқаро  
тижорат арбитраж (ҳакамлик)  
судининг раиси, юридик  
фанлар номзоди, доцент

# КРЕДИТОРЛАР ЙИГИЛИШИНING ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ: МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК ВА ХОРИЖИЙ АМАЛИЁТ



Маълумки, Ўзбекистонда тадбиркорлик субъектларининг банкротлигига оид муносабатларни ҳуқуқий тартибга солувчи энг асосий қонун ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва «Банкротлик тўғрисида»ги Қонундир.

Ўз навбатида, тадбиркорлик субъектларининг банкротлигида кредиторларнинг ваколатларини амалга ошириш бўйича хориж тажрибасини ўрганиш, уни қиёсий таҳлил қилиш ушбу йўналишдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш учун таклифлар ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади.

Қайд этиш керакки, хориж давлатларида банкротликни ҳуқуқий тартибга солишнинг турли тизимлари мавжуд. Ҳуқуқий тизимларнинг тоифаларга ажратилиши муайян давлат қонунчилигининг кўпроқ кимнинг манфаатини ифода этишини англашда ёрдам беради.

Биобарин, рус олими В.М.Телюкина Франция, АҚШ, Молдова ва Литва давлатлари ҳуқуқий тизимлари кўпроқ қарздор манфаатларини, Буюк Британия, Қозоғистон, Грузия, Озарбайжон, Латвия ва Эстония давлатлари ҳуқуқий тизимлари эса кредиторлар манфаатларини ҳимоя қилади, деб фикр билдиради<sup>1</sup>.

Маълумки, тадбиркорлик субъектларининг банкротлигида кредиторлар йиғилиши ва кредиторлар қўмитасини чақириш, уни ўтказиш, низоларни ҳал этишга оид ва бошқа масалаларни хорижий мамлакатлар қонунчилиги билан бирга қиёсий таҳлил этиш мазкур жамоавий органларнинг моҳиятини тўлиқ англаб етишда аҳамиятлидир.

«Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддасига мувофиқ банкротлик таомили қўлланилаётганда барча кредиторларнинг манфаатларини ушбу Қонунга мувофиқ ташкил этиладиган кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси ҳимоя қилади.

Ўрганишлар ва таҳлиллар шуни кўрсатадики, кредиторлар йиғилиши қарздор билан бўладиган муносабатларда ҳал қилувчи ўринни эгаллайди. Франция қонунчилигида бу борада ўзига хос тажри-



бани кузатиш мумкин. Яъни, судлар қарздорнинг яқинлашиб келаётган тўловга қобилиятсизлиги аломатлари жараёнида қарздор ва кредиторлар ўртасида музокаралар ўтказишга ҳаракат қилишади. Бундай музокараларнинг махфийлиги жиноят қонунчилиги билан таъминланади. Музокаралар натижаси ўлароқ, тарафлар расмий таомил қўлламасдан келишувга эришишлари мумкин бўлади. Музокара даврида суд айрим кредиторларнинг талабларига нисбатан мораторий жорий қилиши мумкин. Кўпинча кредиторлар музокаралар натижасида ҳеч нарсага эга бўлмай қолишдан кўра, ўзларининг манфаатларига зид бўлса-да, қарздор билан келишиш йўлини тутадилар. Қарздор билан кредиторлар ўртасида келишувга эришилмагандагина суд таомиллари бошланади<sup>2</sup>.

Кўриниб турибдики, француз қонунчилиги, энг аввало, қарздор фаолиятини сақлаб қолишни мақсад қилиб қўйган. Бу жиҳатдан кредиторлар йиғилишига кенг ваколатлар берилмаган.

Агар қарздор ўз фаолиятини давом эттириш қобилиятига эга бўлса, суд қарздорга нисбатан қайта тиклаш таомилини қўллайди. Бу қарздор раҳбариятининг ўз фаолиятини давом эттириш ёки кредиторлар олдидаги қарзларини ўн йил давомида узиш ёхуд фаолиятни сақлаб қолган ҳолда корхонани учинчи шахсларга сотиш режасини судга тақдим этиш мажбуриятини келтириб чиқаради. Агар қарздор ўз фаолиятини давом эттиришнинг реал имкониятига эга бўлмаса, суд тугатиш жараёнини бошлаш тўғрисида қарор қабул қилади.

Француз қонунчилиги бўйича банкротлик тўғрисидаги ишларда кредиторлар ҳуқуқлари анча чекланган бўлиб, улар ўз қарашларини суд бошқарувчилари орқали ифода этишлари мумкин. Суд бошқарувчилари устидан назоратни ҳам банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалга оширади.

Германияда банкротлик соҳасини тартибга солувчи асосий ҳужжат 1999 йил 1 январда кучга киритилган «Иқтисодий но-чорлик тўғрисида»ги Низом ҳисобланади. Маълумки, «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасида банкротлик аломатлари сифатида қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қондиришга ва мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир эмаслиги эътироф этилади.

Германияда эса, бундан фарқли равишда қуйидагилар банкротлик аломати сифатида тан олинади:

- қарздорнинг тўловга қобилиятсизлиги;
- тўловга қобилиятсизлик реал хавфининг вужудга келиши;

- юридик шахс қарздорлигининг ўта юқори даражага етиши.

Германия қонунчилигининг ўзига хос жиҳатларидан бири шуки, унда асосан кредиторларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга эътибор қаратилади. Хусусан, суд кредитор манфаатларини қарздор мулкӣ аҳволининг салбий томонга ўзгаришидан ҳимоя қилиш мақсадида даъвони таъминлаш чорасини кўриш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Суд қарздорни банкрот деб топиши билан тугатиш таомили бошланади ҳамда тугатиш бошқарувчиси тайинланади. Тугатиш бошқарувчиси барча кредиторлар рўйхатини тузади, тугатиш жараёнида кредиторларнинг коллегиял органлари — кредиторлар йиғилиши ва кредиторлар кўмитаси тузилади. Агар «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига кўра кредиторлар йиғилишини суд бошқарувчиси чақирса, Германияда бундай ваколат судга берилган.

Кредиторлар йиғилиши суд бошқарувчисининг ҳисоботини кўриб чиқиш натижасида қарздор ўз фаолиятини давом эттириши ёки ёпилиши тўғрисидаги қарорга келади. Қарздор корхонанинг тугатиш режасига биноан фаолият юритиши кредиторларнинг қарори асосида фақат уларга фойдали бўлган ҳолатдагина амалга оширилиши мумкин.

Кредиторлар йиғилиши кредиторлар кўмитасини тузиш зарур ёки зарур эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилади. Шунингдек, судга ҳам кредиторлар кўмитасини тузиш ваколоти берилган. Демак, Германия қонунчилигига кўра, қарздорнинг тақдир кўп жиҳатдан кредиторлар йиғилишининг қарорига боғлиқ.

Россия Федерациясида банкротлик соҳасини тартибга солувчи асосий ҳужжат «Иқтисодий ночорлик (банкротлик) тўғрисида»ги Қонун ҳисобланиб, у 12 бўлим, 233 та моддадан таркиб топган. Кредиторлар йиғилишини тартибга солувчи нормалар ушбу Қонуннинг 12—15-моддаларида акс эттирилган. Таъкидлаш жоизки, кредиторлар йиғилишини ҳуқуқий тартибга солишнинг Россия тажрибаси Ўзбекистон тажрибасига яқиндир. Жумладан, кредиторлар йиғилишида иштирок этувчи шахслар доираси, кредиторлар йиғилишида овоз бериш, кредиторлар йиғилишини чақиритиш, унинг ваколатларига оид ҳуқуқий асослар ҳар икки давлат қонунчилигида ўхшашдир.

Маълумки, ҳар бир кредитор — қарздор банкрот деб топилаётганда ўз манфаатларининг максимал даражада қондирилишини хоҳлайди. Бу йўлда кредиторлар қарор қабул қилаётганда бошқа шахсларнинг эмас, балки энг аввало, ўзларининг манфаатларидан

келиб чиқади. Демак, кредиторларнинг қабул қилган қарорлари баъзи ҳолларда банкротлик тўғрисидаги ишлардан манфаатдор шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига зид ҳам бўлиши мумкин.

«Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида бундай вазиятда суд томонидан кредиторларнинг қарорларини ҳақиқий эмас деб топиш асослари ва тартиби белгиланган.

Фикримизча, Ўзбекистонда ҳам кредиторлар йиғилиши қарорини ҳақиқий эмас деб топиш механизмини жорий этиш ҳамда «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 13-моддасини тегишли қисмлар билан тўлдириш лозим.

Бундай қоидалар «Иқтисодий ночорлик (банкротлик) тўғрисида»ги Россия Федерацияси Қонунининг 15-моддасида белгилаб қўйилган.

Шунингдек, «Банкротлик тўғрисида»ги Қозоғистон Республикасининг Қонунига кўра, кредиторлар кредиторлар йиғилишида сиртдан овоз бериш ҳуқуқига эгадирлар. Бу кредиторларга ўз манфаатларини ифода этишда муайян қулайликлар яратиши мумкин. Суд бошқарувчиси кредиторлар йиғилишини ўтказиш жойини белгилайди. Аммо, бундай жой барча кредиторлар учун йиғилишда иштирок этишда қулай бўлмаслиги ҳамда баъзи объектив ва субъектив сабабларга кўра белгиланган вақтда йиғилиш ўтказиладиган жойда улар ҳозир бўлмаслиги мумкин. Сиртдан овоз бериш тартибининг ўрнатилиши эса, кредиторларга муайян талаблар асосида йиғилишда иштирок этмасдан туриб ҳам унда ўзининг манфаатларини ифода этишга ёрдам беради.

Шуни ҳисобга олган ҳолда, «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ҳам кредиторлар йиғилишида сиртдан овоз бериш тартибини назарда тутувчи нормани киритиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

**О. НАЗАРОВ,**  
**«Ўзсаноатқурилишбанк»**  
**АТБ бўлим бошлиғи,**  
**Ш. ИСМОИЛОВ,**  
**«Ўзсаноатқурилишбанк»**  
**АТБ етакчи мутахассиси**

<sup>1</sup>Телюкина М.В. *Конкурсное право: теория и практика несостоятельности (банкротства)* — Москва.: Дело, 2002. — С.75.

<sup>2</sup>Степанов В.В. *Несостоятельность (банкротства) в России, США, Франция, Англии, Германии* — Москва.: Статут, 1999. — С.106.

# ДАВЛАТ МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

*Сўнги йилларда мамлакатимизда молиявий назоратни, айниқса, солиқ назоратини либераллаштириш борасида ислохотлар амалга оширилмоқда. Иқтисодиётнинг марказлашмаган тизимга ўтишида ҳамда давлат мулкани хусусийлаштиришида молиявий назоратнинг роли янада ошиб боради. Молиявий назорат молиянинг асосий функцияси бўлиб, у давлат ва хўжалик юритувчи субъектларнинг пул маблағларини ташиқ қилиш, тақсимлаш ва фойдаланишнинг ҳар бир босқичида амалга оширилади ҳамда мазкур жараёнда қонунийлик, самарадорлик, мақсадга мувофиқликни таъминлаш, шунингдек, қонун бузилишларининг олдини олиш, аниқлаш ва бартараф этишга хизмат қилади. Бозор муносабатлари шароитида молиявий назоратнинг асосий вазифаси молиявий муносабат субъектлари томонидан бюджет, солиқ, банк, валюта, суғурта, божхона, қимматли қоғозлар бозори фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларига риоя этилиши самарадорлигини оширишдан иборатдир.*

Молиявий назоратнинг мазмун-моҳияти унинг функцияларида ўз ифодасини топади. Молиявий назоратнинг вазифаларидан бири молиявий ресурсларнинг аҳволини назорат қилишдан иборатдир. Ушбу назорат давлат бюджети олдидаги мажбуриятларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ижро этилиши, марказлашган ва марказлашмаган пул жамғармаларидан фойдаланишга доир операцияларнинг тўғри амалга оширилишини текширишни назарда тутади<sup>1</sup>.

Юридик адабиётларда молиявий назоратга хос хусусиятларни ўз ичига олган таърифлар берилган. Хусусан, ҳуқуқшунос олим А.А.Лининг фикрича, молиявий назорат ҳуқуқ меъёрлари билан тартибга солинган, давлат ва нодавлат органлари ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг молия ресурсларини бошқариш қонунийлиги ва самарадорлигини белгилаш, молия интизомини таъминлаш ҳамда аниқланган тартиббузарликларни тугатиш ва огоҳлантириш бўйича ўз вақтида чора-тадбирлар қабул қилишга доир фаолиятдир<sup>2</sup>. Мо-

лия интизоми давлат ва ҳўжалик юритувчи субъектлар пул жамғармаларини тўплаш, тақсимлаш ва фойдаланишга қаратилган тартиб-қоидаларга риоя қилишдан иборатдир.

Ўз навбатида, давлат молиявий назорати давлат молиявий сиёсатини амалга ошириш учун мўлжалланган бўлиб, ўз тизимига эгадир. Барча мамлакатларда молиявий назорат махсус ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилади. Жумладан, Россияда бундай назорат Россия Федерацияси Солиқ ва йиғимлар вазирлиги, Россия Федерацияси Давлат божхона қўмитаси, Россия Банкининг банк назорати департаменти, Россия Валюта ва экспорт назорати федерал хизмати ва бошқа давлат органлари томонидан амалга оширилади. АҚШда бу ваколат федерал вазирликлар ва идоралар назорат хизмати, Германияда Федерал молиявий идора, Канадада эса Бош назоратчи офисига берилган.

Мамлакатимизда давлат молиявий назорати Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, Ҳисоб палатаси, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Марказий банки томонидан амалга оширилади. Мазкур органлар ўзларининг вазифа ва функцияларидан келиб чиқиб, ўз йўналишлари бўйича молиявий назоратни амалга оширадilar.

Бундан ташқари, ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш соҳасидаги марказий мувофиқлаштирувчи орган Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши ҳисобланиб, унинг мақсади мулкчилик шаклидан қатъи назар, ҳўжалик юритувчи субъектларни текширишни тартибга солиш ва мувофиқлаштириш, уларнинг иш фаолиятига асоссиз аралашинишга йўл қўймасликдан иборат.

Республикамизда молиявий назоратни тартибга солувчи бир қатор қонун ҳужжатлари мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси, Солиқ кодекси, Божхона кодекси, «Марказий банк тўғрисида»ги, «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги, «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги, «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги, «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги, «Хўжалик юритувчи субъектлари фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги қонунлар шулар жумласидандир.

Солиқ кодексининг «Солиқ назорати» бўлимида солиқ назорати асослари, шакллари, солиқ текшривлари ва уларни ўтказиш жараёни тартибга солинган. Бюджет кодексиди Молиявий назорат деб аталган бўлимида молиявий назоратнинг бир тури

бўлган бюджет назоратининг асослари тартибга солинган. Юқорида таъкидлаганимиздек, молиявий назорат кенг тушунча бўлиб, молиянинг турли бўғинларини тартибга солиди, бюджет назорати эса, молиявий назоратнинг бир тури ҳисобланади. Фикримизча, Бюджет кодексидаги мазкур бўлим «Бюджет назорати» деб номланса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шунингдек, «Марказий банк тўғрисида»ги Қонун ва Марказий банк томонидан қабул қилинган низомларда Марказий банкнинг банкларни назорат қилиш функциялари ҳамда назорат қилиш фаолияти тартибга солинади. «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонунда валюта назорати, яъни валюта операцияларини амалга оширишда валюта қонунчилигига риоя этилишини таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар тизимининг йўналишлари белгиланган. «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонун хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш принциплари, шакллари, асослари, шунингдек режадан ташқари текширувга асослар, субъектларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятларини ва жавобгарлик асосларини белгилаб беради. Мазкур Қонунда ҳамда Солиқ кодексида солиқ тўловчиларнинг молия-хўжалик фаолиятидаги режали текширувлар даврийлиги, текширув ўтказишга доир шартлар ҳам белгилаб берилган.

Кейинги пайтларда солиқ текширувларининг муддатлари, даврийлиги, текширувни ўтказишга доир қўшимча шартларда тадбиркорлик субъектларига бирмунча енгилликлар яратилди, бир қатор имтиёзлар берилди. Уларга нисбатан қўлланадиган жавобгарлик чоралари либераллашди, тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилганлик, қонунга хилоф равишда аралашганлик ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган бошқа ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик чоралари белгиланди, шунингдек режали солиқ текширувларининг даврийлиги қисқарди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2016 йил 5 октябрдаги Фармонида асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Давлат солиқ қўмитаси ва бошқа манфаатдор вазирликлар, идораларга қуйидагиларга йўналтирилган асосланган таклифлар киритиш вазифаси юкланди:

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни йиғиш харажатларини камайтириш, масофавий назоратни кенг жорий этиш ва солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишни таъминлайдиган солиқ маъмуриятчилиги сифати ва самарадорлигини янада яхшилаш;

республиканинг экспорт салоҳияти ўсишини, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб этишни ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ташқи бозорда рақобатбардошлигини оширишни рағбатлантирадиган валютани тартибга солиш ва валюталар курси сиёсатининг илғор бозор механизмларини жорий этиш;

тадбиркорлик фаолияти субъектлари фаолияти юзасидан қисқа муддатли текширишларни тайинлаш ва ўтказишнинг аниқ ҳуқуқий асослари ҳамда мезонларини назарда тутган ҳолда қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг камерал назорати самарадорлигини ошириш орқали текширишларнинг ўтказиш сони ва муддатларини қисқартириш;

## АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада молиявий назоратнинг ўзига хос хусусиятлари, вазифаси ҳамда молиявий назоратни тартибга солувчи қонун ҳужжатларидаги муаммолар ва қонунчиликни такомиллаштириш масалалари ёритилган.

**Таянч сўзлар:** молиявий назорат, солиқ назорати, бюджет назорати, валюта назорати, банк назорати, молиявий назорат принциплари.

\* \* \*

В данной статье раскрыты особенности и задачи финансового контроля, а также проблемы законодательных актов, регулирующих сферу финансового контроля и вопросы совершенствования законодательства.

**Ключевые слова:** финансовый контроль, налоговый контроль, бюджетный контроль, валютный контроль, банковский контроль, принципы финансового контроля.

\* \* \*

This article explores the features of financial control, the task of financial control, as well as the problems of legislative acts regulating financial control and issues of improving legislation.

**Key words:** financial control, the tax control, budget control, currency control, bank control, principles of financial control.

ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва қонунга итоаткор тадбиркорлик субъектларининг барқарор фаолияти кафолатларининг асосий механизмларидан бири сифатида аудиторлик ташкилотлари ва солиқ маслаҳатчилари кўрсатаётган хизматлар сифати ва тақдим этилаётган хулосаларнинг ҳаққонийлиги учун жавобгарликни кучайтириш юзасидан улар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ва ҳоказо.

Мазкур Фармонга асосан 2017 йилнинг 1 январидан бошлаб юридик шахслар тугатилаётганида, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг қонунчилик бузилганлиги ҳолатлари бўйича берган мурожаатлари асосида фақатгина Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши қарорига мувофиқ ўтказиладиган қисқа муддатли текширувлардан ташқари текширишларнинг барча турлари, шунингдек тадбиркорлик субъектлари фаолиятини, шу жумладан, жиноят ишлари доирасидаги муқобил текширишларнинг барча турлари бекор қилинди. Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширишда биринчи марта ҳуқуқбузарликлар содир этган тадбиркорлик субъектлари ва уларнинг ходимлари йўл қўйилган ҳуқуқбузарликларни қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ихтиёрий равишда бартараф этган ва етказилган моддий зарарни қоплаган тақдирда, инсоннинг соғлиғи ва ҳаётига зарар етказилган ҳолатлар бундан мустасно, маъмурий ва жиноий жавобгарликдан, жарималар ва молиявий санкциялар (пенядан ташқари) қўлланилишидан озод этилиши белгиланди<sup>3</sup>.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, молиявий назоратнинг предмети жуда кенг. Бироқ, уларнинг асосларини белгиловчи ягона қонун мавжуд эмас. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг расмий сайтида эълон қилинган «Давлат молиявий назорати тўғрисида»ги қонун лойиҳаси билан танишиб чиқар эканмиз, бу лойиҳа асосан бюджет соҳасидаги назоратни тартибга солишини кўради. Ваҳоланки, Бюджет кодексида белгиланган молиявий назорат ҳам бюджет назорати асосларини белгилаб беради. Мазкур қонун лойиҳасида ҳам бюджет назорати органлари, яъни Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг бу соҳадаги ваколатлари белгилаб берилган. Юқорида кўриб чиққанамиздек, молиявий назорат бошқа давлат органлари, яъни, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси ва Марказий банк томонидан ҳам амалга оширилади ҳамда уларнинг бу соҳада бир қанча ваколатлари белгиланган.

Молиявий назоратни ташкил этишда молиявий назорат тур-



ларини тўғри белгилаш муҳим. Шу жиҳатдан, молиявий назоратни уч турга бўлиш мақсадга мувофиқ: бюджет-молиявий назорати, молиявий-хўжалик (тадбиркорлик, тижорат), мустақил аудит назорати<sup>4</sup>.

Молиявий назорат олдида турган вазифалар қуйидагилардан иборат:

- пул фондларининг ўлчами ва молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёж ўртасидаги мутаносибликка таъсир кўрсатиш;
- давлат бюджети олдидаги мажбуриятларнинг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини таъминлаш;
- молиявий ресурсларни кўпайтиришнинг ички хўжалик резервларини қидириб топиш ва бошқалар.

Жаҳон ҳамжамияти кўп йиллик тажриба асосида молиявий назоратни ташкил этишнинг асосий принципларини ишлаб чиққан. Бу принциплар ИНТОСАИнинг Лима декларациясида ўз ифодасини топган.

Уларнинг таркибига қуйидагилар киради:

- мустақиллик;
- объективлик;
- компетентлик;
- ошкоралик<sup>5</sup>.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидаги таклифларни билдирмоқчимиз:

биринчидан, молиявий назоратни тартибга солишда жаҳон амалиётига мос келадиган ҳамда молиявий назорат асосларини белгилаб берувчи «Молиявий назорат тўғрисида»ги Қонунни қабул қилиш лозим;

иккинчидан, молиявий қонунчиликдаги атамаларни ва нормаларни унификациялаш мақсадга мувофиқдир.

**Ф. ИСАЕВА,  
ТДЮУнинг «Бизнес ҳуқуқи»  
кафедраси катта ўқитувчиси**

<sup>1</sup>Финансовое право: Дарслик/ проф. О.Н. Горбунова тахрири остида. — М.: Юристъ, 2006. — 47-б.

<sup>2</sup>Молия ҳуқуқи: Дарслик/ А.Ли. —Тошкент.: ТДЮИ, 2006. — 77-б.

<sup>3</sup>Халқ сўзи. 06.10.2016 й., 197 (6632)-сон.

<sup>4</sup>А.К.Ибрагимова, Б.Б.Сугирбаев. Бюджет назорати ва аудит. Ўқув қўлланма. — Тошкент, 2009. — 192-б.

<sup>5</sup>Ваҳобов А.В., Маликов Т.С. Молия — умумназарий масалалар. Ўқув қўлланма. — Тошкент.: IQTISOD-MOLIYA, 2008. — 316-б.

## РАСМИЙ ТИББИЁТМИ ЁКИ ХАЛҚ ТАБОБАТИ?

*Соғлиқ — инсоннинг бошидаги олтин тождир, уни фақат бемор одамгина кўра олади.  
Абу Али ибн Сино*

Хозирги пайтда расмий медицина катта ютуқларга эришди, аммо халқ табобати ҳам жаҳоннинг барча мамлакатларида оммалашувдан тўхтамаяпти. Одамлар ўз организмини кимёвий дорилардан муҳофаза қилиш мақсадида шифони (рецептни) халқ табобатидан изламоқда. Масалан, Африкада дорихона ёки врачни топиш табибни топишга нисбатан анча қийин. Хитойда эса, амалда расмий тиббиёт ва халқ табобати ўртасида фарқни топиш мумкин эмас. Ҳар иккала йўналиш ягона соғлиқни сақлаш тизимида уйғунлашган ҳолда олиб борилади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти халқ табобатини ўсимликлар, ҳайвон маҳсулотлари ва минераллардан фойдаланган ҳолда касалликларни даволаш усуллари мажмуи, деб ҳисоблайди. Шунингдек, турли хил касалликларнинг олдини олиш, профилактика қилиш ва даволаш учун жисмоний машқларни ва махсус усулларни қўллашдан иборат фаолият деб тушунтиради. Халқ табобати инсонларнинг ҳаёт сифатини оширишга хизмат қилиши лозим, деб ҳисоблайди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, халқ табобати ривожланаётган мамлакатларда ҳар доим жуда оммалашган, биринчи дунё мамлакатларида эса етакчи мавқега эришмоқда. Ўзингиз ўйлаб кўринг, Хитойда барча дори воситаларининг 50 фоизи ўсимликлардан қадимий дориномалар асосида тайёрланади. Статистик маълумотларга кўра, Европа ва Американинг тахминан 50 фоиз аҳолиси касалликларни даволашда халқ табобати усулларида фойдаланади. Германияда эса, аҳолининг 80 фоизи халқ табобатига мурожаат қилади. У ерда шифокорлар халқ табобати бўйича курсларни ўтамоқда.

Ҳақиқатда, шифо топишга бўлган ишонч қудратли кучдир. Халқ табобатининг ютуғи ҳам шунда. Бу соҳа вакиллари беморни руҳан тузалишга ишонтиради. Бироқ, фақат шу билангина иш битмайди. Расмий тиббиётда, айтайлик, янги дори воситаси йиллар давомида клиник синовдан ўтади, аммо, халқ табобатида касалликларни даволашда ҳар қандай ўсимликдан фойдала-

ниш учун янги рецепт, агар у илм-фан ёки тажрибада тасдиқланмаган бўлса, унинг фойдасини шубҳа остига қўйиши мумкин. Мисол учун, озишда қўллаш учун Хитой эфедрасидан нотўғри тайёрланган дори воситаси туфайли АҚШда ўнлаб одам вафот этган, Бельгияда эса буйрак етишмовчилиги ривожланиши оқибатда юзга яқин одам шифохонага ётқизилган.

Халқ табобатида қўлланиладиган, кўпчилик дори воситалари клиник синовлардан ўтмаган ва яқин келажақда бундай синовдан ўтишига кўзимиз етмайди. Халқ табобатининг табиий шифобахш гиёҳлардан тайёрланган, шифобахш озуқалар сирасига кирадиган даволаш воситаларининг, сунъий-кимёвий дори воситалари нуқтаи-назаридан талқин қилиниши мутлақо нотўғри. Масалан, асал—халқ табобатида дори, расмий тиббиётда эса дори воситаси эмас. Бу борада «Тиб қонунлари» асосида ўзбек халқ табобати доришунослик илми нуқтаи-назаридан баҳоланадиган махсус меъёрий ҳужжат ишлаб чиқилиши лозим.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълум қилишича, халқ табобатида қўлланиладиган баъзи бир услублар клиник синовдан муваффақиятли ўтган ва йирик натижаларга эришган. Масалан, игна билан даволаш бугунги кунда Хитой халқ табобатининг усули сифатида бутун дунё бўйлаб кенг қўлланилмоқда.

Ўзбекистонда Ибн Сино таълимотига асосланган халқ табобати усуллари ва табиий шифобахш гиёҳлардан кенг фойдаланилади. Буюк табиб, олим ва файласуф Абу Али ибн Синонинг башариятга қолдирган бой илмий мероси дунё миқёсида кенг қўлланилади. Энг муҳими, халқ табобатининг дори воситалари арзон ва ҳеч қандай акс таъсирга эга эмас.

Ривожланаётган мамлакатларда расмий тиббиёт имкониятларидан фойдаланишга ва кундан-кунга нархи ортиб бораётган дори воситаларини сотиб олишга ҳамманинг иқтисодий имконияти етарли эмас. Шунинг учун ҳам бугунги кунда беморларнинг кўпчилиги, биринчидан, арзон, иккинчидан, табиий ва энг муҳими, самарали бўлган халқ табобатига мурожаат қилмоқда. Хитой, Филиппин, Вьетнам каби мамлакатларда халқ табобати соғлиқни сақлаш тизимининг бир қисми ҳисобланади.

Ўзбекистонда ҳам бу соҳада айнан шундай ёндашув бўлиши керак, деб ҳисоблаймиз.

Ҳозирча, бу соҳада ҳар ким мустақил қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга: ё шифохонага — доктор ҳузурига ёки табибга!

**Р. ХОННАЗАРОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Президенти  
ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси  
докторанти, юридик фанлар номзоди

Жалолиддин Румий

**«МАСНАВИЙИ МАЪНАВИЙ» ДАН**

*Бу жаҳон – тоғ, феълу атворинэ – нидо,  
Ул нидони сенга қайтаргай садо.*

*Аҳшилик ёки ёмонлик этмайин  
Бир нафас дунёда турмогинэ қийин.*

*Оқил улким, ибрат олгай доимо  
Дўстлари бошига келганда бало.*

*Ёр ҳалолдир – беҳиёнат ҳар маҳал  
Эканингани қайтарид бергай тугал.*

*Ким писид келса, иши тухлат бўлур,  
Ким дадил келса, иши журъат бўлур.*

*Ким этар ҳуснини зиёда ошкор,  
Бўлгай у юз минг фалокатга дучор.*

*Кўзни юмғил, кўзга айлансин кўнғил,  
Кўз бўлурми Қакки кўрмас бўлса ул.*

**«ИЧИНГДАГИ ИЧИНГДАДИР» ДАН**

*Завқ ва орзулар зинапоҳга ўхшайди. Зиналар ўтириб, дам олишга мослашмаган, ансинга, устига босиб ўтилади, ҳоло. Умрини шу зиналарда беҳуда ўтказмаслик учун эффиликдан теж уйғонган ва аҳволнинг моҳиятини англаб етган зот қандай бахтли!*

«Ҳикматлар» китобидан

**РУМИЙДАН ЎГИТЛАР**

*Кунлардан бир куни Қазрати Мавлонога бир дўсти келиб, ўз тақдиридан қолган ҳолда деди:*

*– Мен ўзимнинг барча сирларимни сен билан ўртоқлашиб келдим. Бироқ сен, бирорта сирингни менга айтмадинг. Ёки бизлар дўст эмасмизмизми?*

*Қазрат, Мавлононинг берган жавоби бундай бўлди:*

*– Сен ҳали ўз сирларингни сақлолмагансан, меннинг сирларимни қандай сақлай оларкансан?*

«Ғам-қайғусиз яшай десангиз» китобидан

## АҚЛ, САЛОҲИЯТ — ҲИМОЯ ВОСИТАСИ

*Болаларим, илми, маърифатли, маънавияти юксак кишиларга ҳавас қилинг. Улар каби обрў-эътиборли бўлишга интилинг. Зеро, бундай одамларнинг кишиларга нафи кўп. Улардан одамлар, ёрдам, маслаҳат сўрайдилар, бу эса чинакам бахтдир. Зеро, Оллоҳ суйган бандаларини унга ўзга одамларнинг иши тушадиган қилиб яратади. Шунинг учун ҳам борди-ю, бошқа одамлар сизларга кўмак сўраб келсалар, оғринманг, ёрдамингизни дариф тутманг. Уларнинг ўрнида сиз ўзингиз бошқалар мададига муҳтож бўлиб юрмаганингизга шукр қилинг.*

*Маърифатли, обрў-эътиборли ва ақлан баркамол бўлмоқ киши салоҳиятининг юксаклиги белгиси. Бундай одамлар доимо қадрланадилар, иззат-икромда бўладилар.*

*Ривоят. Қадим замонда бири киши бировга қарз берибди-ю, аммо ҳеч қайтариб ололмай қозига бориб, арз қилибди.*

*— Мен эртага сизнинг кўчангиздан ўтаман. Сиз ўша берган қарзингизни тўламаётган одамнинг олдида оёғингизни чалиштириб ўтираверинг. Мен шундоқ ёнингиздан ўтаётганимда ҳам бепарво бўлинг. Салом берсам, хушомадгўйлик қилмай алик олинг, — деб маслаҳат берибди.*

*Қарз берган киши қози кўчасидан ўтадиган пайтда у айтган ҳолатда ўтирибди. Қози отда ўтиб бораркан, ҳамма унга эгилиб салом берибди. Жумладан, бояги қарз олиб бермаётган киши ҳам. Бироқ, қарз берган киши қози айтганини қилиб, парвойипалак ўтираверибди. Қози эса келишилганидек, яна эҳтиром билан салом берибди. У киши эса бепарвогина бўлиб алик олибди. Бу ҳолатни кўрган қарздор ўйга толибди:*

*— Наҳотки мен шундай салоҳияти юксак одамни алдаб, олган қарзимни бермай юрган бўлсам. Бунинг оқибати яхши бўлмас, деган мулоҳазага борибди-ю, олган қарзини келтириб берибди.*

*Кўрдингизми, болаларим, мазкур ривоятдаги кишини қози салоҳиятли қилиб кўрсатиб, унинг мушуқлини ҳал қилган экан. Сизларнинг кунингиз бунақа сохта салоҳиятга қолмасин. Ўқинг, ўрганингиз, маърифатли, маънавиятли — юксак салоҳиятли одам бўлинг. Шунда обрў-эътибор қозонасиз...*

*Илму ақл билан салоҳиятли,  
Кимсани эл доим айлайди хурмат.  
Бўлса кас обрўли, ҳам ҳимоятли,  
Ғанимлар тухматга этолмас журъат.*

Мурод КАЛОНХОНОВ,  
Мукамбархон КАЛОНХОНОВА

«Қадриятнома ёхуд юз ўғитга юз ривоят» китобидан

## «АДОЛАТ – ҚОНУН УСТУВОРЛИГИДА» КЎРИК-ТАНЛОВИ ЯҚУНЛАНДИ

Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари, шунингдек республика судлари фаолиятининг оммавий ахборот воситаларида янада кенг ёритилишини таъминлаш, фуқароларнинг, хусусан тадбиркорларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, янги қонунлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларни аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ҳамда судлар фаолиятини фаол ёритаётган журналистлар, ҳуқуқшунослар ва бошқа муаллифларни рағбатлантириш мақсадида 2017 йилда ўтказилган «Адолат — қонун устуворлигида» кўрик-танлови яқунланди.

Ўтган даврда кўрик-танлов ҳайъатига республика миқёсида чоп этиладиган «Халқ сўзи», «Народное слово», «Правда Востока», «O`zbekiston ovozi», «Hurriyat», «Инсон ва қонун» «XXI ASR», «Adolat», «Нуқуқ» каби газеталарда, «Нуқуқ ва бurch», «O`zbekiston Respublikasi Oliy xo`jalik sudi Axborotnomasi» — «Вестник Высшего хозяйственного суда Республики Узбекистан», «Иқтисод ва ҳуқуқ» — «Экономика и право», «Фермер» сингари журналларда эълон қилинган 500 та мақола ҳамда телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар тақдим этилди.

Кўрик-танлов ҳайъати аъзолари ушбу мақолалар, телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришларни ўрганиб чиқиб, улар ичидан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси томонидан эфирга узатилган ва республика матбуотида эълон қилинган ҳуқуқий мавзудаги материаллари учун қуйидаги муаллифларни:

**1-ўринга** — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист **Муаттар Асқаровани**;

**2-ўринга** — Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси **Мўмин Астановни**, юридик фанлар доктори **Музаффаржон Мамасиддиқовни**;

**3-ўринга** — «Народное слово» газетаси бўлим муҳаррири **Ферюза Кубаревани**, ҳуқуқшунос **Елена Ермохинани**, журналист **Умид Ёкубовни** муносиб деб топишди.

Ғолиблар танлов рамзи, диплом ҳамда пул мукофоти билан тақдирландилар.

Танловда фаол қатнашгани учун «XXI ASR» газетаси муҳбири **Нурхон Элмирзаева**, Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодий суди раиси **Бибисанем Темирханова**, Тошкент шаҳар иқтисодий суди катта мутахассиси **Шавкат Гайбердиев**, ЎЗА муҳбири **Матназар Элмуродов**, фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилоят судининг раиси **Маъруф Тожибоевга** ҳам суд-ҳуқуқ ислоҳотлари мавзусидаги республика матбуотида эълон қилинган мақолалари учун қимматбаҳо совға ва Фахрий ёрлик берилди.

**Ўзбошимчалик билан иморатни қурган шахс томонидан иморатга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш тўғрисида судга даъво берилган тақдирда иморатни ўз ҳисобидан бартараф этиш вақтинча тўхтатиб турилиши мумкинми?**

*Савол ва жавоб*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 июлдаги 467-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбошимчалик билан қурилган иморатни аниқлаш ҳамда бартараф этиш (бузиб ташлаш)ни ташкил этиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 11-бандига асосан иморатни ихтиёрий равишда бартараф этиш (бузиб ташлаш) тўғрисида далолатнома тузилган кундан эътиборан ўзбошимчалик билан иморатни қурган шахс ўн беш кунлик муддат ичида уни ўз ҳисобидан бартараф этиши шарт.

Ўзбошимчалик билан иморатни қурган шахс томонидан ушбу иморатнинг бартараф этилиши (бузиб ташланиши)ни ваколатли орган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи билан ҳамкорликда назорат қилади.

Ўзбошимчалик билан иморатни қурган шахс томонидан иморатга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш тўғрисида судга даъво берилган тақдирда, даъво берилган кундан бошлаб суднинг якуний қарори қабул қилинишига қадар ушбу иморатнинг бартараф этилиши вақтинча тўхтатиб турилади.

\* \* \*

**Ўзбошимчалик билан қурилган иморат уни қурган шахс томонидан ихтиёрий бузиб ташланмаганда, уни буздириш тўғрисида судга даъво аризаси киритилишини ким таъминлайди?**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 июлдаги 467-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбошимчалик билан қурилган иморатни аниқлаш ҳамда бартараф этиш (бузиб ташлаш)ни ташкил этиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 12 ва 13-бандларига кўра, ўзбошимчалик билан қурилган иморатни бартараф этиш (бузиб ташлаш) учун белгиланган муддат тугагандан сўнг ваколатли орган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи билан ҳамкорликда икки иш кунни мобайнида ушбу тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 34-моддасига мувофиқ туман (шаҳар) ҳокимлиги ҳузуридаги Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияга (ке-

йинги ўринларда Комиссия деб аталади) хабарнома киритади.

Хабарномада ўзбошимчалик билан иморатни қурган шахснинг номи (юримдик шахс бўлганда) ёки фамилия ва исми-шарифи (жисмоний шахс бўлганда), иморатнинг аниқ манзили, қурилиш мақсади, қурилишнинг ҳолати ва ҳажми кўрсатилган маълумотлар акс эттирилади ҳамда унга ушбу Низомнинг 8-бандида назарда тутилган далолатнома ва 10-бандида назарда тутилган баённома илова қилинади.

Комиссия ваколатли органлар томонидан киритилган хабарнома келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни мобайнида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 212-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ ўзбошимчалик билан қурилган иморатни бар-тараф этиш (бузиб ташлаш) тўғрисидаги туман (шаҳар) ҳокимининг даъво аризаси судга киритилишини таъминлайди.

\* \* \*

**Қайси давлат органлари томонидан чорвачилик ва балиқчилик йўналишидаги тадбиркорлик субъектларига озуқа мақсадлари учун сотиладиган бугдой ҳажмларининг ҳар ойлик жадваллари ҳудудлар бўйича ишлаб чиқилади?**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 октябрдаги 845-сонли қарори билан тасдиқланган «Давлат ресурсларидан бугдойни чорвачилик ва балиқчилик йўналишидаги тадбиркорлик субъектларига озуқа мақсадлари учун сотиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 8-бандига биноан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўздонмаҳсулот» АЖ ва «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси билан биргаликда чорвачилик ва балиқчилик йўналишидаги тадбиркорлик субъектларига озуқа мақсадлари учун сотиладиган бугдой ҳажмларининг ҳар ойлик жадвалларини ҳудудлар бўйича ишлаб чиқади ва уни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритади.

**Олий суд катта маслаҳатчиси  
С. АСҚАРОВ тайёрлади**